O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, **27** март, жума № **13** (2296). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **27** марта, **2009** год, № **13** (2296). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

НАВРЎЗИ ОЛАМНИ БИЗ ЎЗИНИНГ ЧУҚУР МАЪНО-МАЗМУНИ ВА ФАЛСАФАСИ БИЛАН ҲАЁТИМИЗДАН АЛОҲИДА ЎРИН ОЛГАН, ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ПАЛЛАСИ, ШАРҚОНА ЯНГИ ЙИЛНИНГ ДЕБОЧАСИ СИФАТИДА АРДОҚЛАЙМИЗ.

Ислом КАРИМОВ

Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда баҳор нафаси тобора кучайиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиши билан, орзиқиб кутган Наврўзи оламнинг юртимизга кириб келиши ҳаммамизни чексиз қувонтиради.

Наврўзи оламни биз барча Шарқ халқлари қатори азал-азалдан, минг йиллар давомида, "Авесто" замонларидан буён сақланиб ва эъзозланиб келаётган, бизнинг миллий табиатимиз ва одатимиздан ажратиб бўлмайдиган, энг қадимий ва энг севимли, чиндан ҳам, ҳақиқий халқ байрами сифатида қадрлаймиз.

Наврўзи оламни биз ўзининг чуқур маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебочаси сифатида ардоқлаймиз.

Бу дилбар фаслда табиат очилиши, ер кўк уйғониши билан ўзимизни янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда эзгу саъй-ҳаракатлар жўш ургандек бўлади.

Бунинг тасдиғи айни шу кунларда – барчамиз бағримизни кенг очиб, Наврўз айёмига пешвоз чиқаётганимизда, шаҳар ва қишлоқларимиз, воҳаю водийларимизда ўтаётган сайил-томошаларда, тансиқ баҳор таомларини тайёрлаб, уларни ўз яқинлари, ёру дўстлари, маҳалла-кўй билан баҳам кўраётган минг-минглаб одамларнинг шоду хуррамлигида яққол намоён бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, юртимиздаги ана шундай самимий, дилкаш муносабатларни кўрганда, биз қандай саховатли ва меҳрибон, кўнгли очиқ халқнинг фарзандлари эканимизни яна бир бор чуқур англаймиз ва бундан қалбларимиз беихтиёр ғурур ва ифтихорга тўлади.

Наврўзи олам мана шундай ёруғ кунларда юрагимиздан кечираётган олижаноб ҳис-туйғуларни намоён этиб, бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатиш, кексаларни зиёрат қилиш, ногиронлар, беморлар ва кўмакка муҳтож одамларга беминнат ёрдам беришдек гўзал фазилатлари билан Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар учун ғоят азиздир.

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамимизда қатнашаётган хорижий меҳмонларимизга, элчилар ва чет эл ваколатхоналарининг вакилларига, барча-барча дўсту ҳамкорларимизга уларни бизнинг қадимий урф-одат ва анъаналаримизга кўрсатган ҳурмат ва эътибори учун сизларнинг номингиздан миннатдорчилик билдириб, чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда бутун халқимиз янги йилда ўз олдимизга қўйган юксак вазифа ва марраларни амалга ошириш йўлида белни маҳкам боғлаб, эртанги кунга катта ишонч билан меҳнат қилмоқда.

Айниқса, фидойи деҳқонларимиз ва фермерларимиз 2009 йилга "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб ном берилганидан руҳланиб, яхши ният ва азму шижоат билан бепоён далаларимизда янги мавсумни бошламоқда.

Халқимизда азалдан янги йилнинг серҳосил ва омадли бўлиши Наврўзнинг қандай келишига, уни қандай кутиб олишингга боғлиқ, деб бежиз айтмайдилар.


Баҳор фаслининг юртимизга серёмғир келиши, кузда экқан экинларимиз тобора кучга тўлиб, кўкка бўй чўзаётгани, ўлкамизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Наврўз айёмини мана шундай шукроналик ва мамнунлик кайфиятида, хурсандчилик билан кутиб олаётганимиз – буларнинг барчаси бу йилги кўзлаган юксак марраларимизга, орзу-ниятларимиз ва мақсадларимизга албатта эришамиз, деган ишонч туғдиради.

Бу борада турли қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимизнинг бу йилги иқтисодий ривожланиши ва меҳнатчиларимизнинг оладиган маошлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар, бир сўз билан айтганда, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши, иншоолло, ўтган йилгидан кам бўлмайди. Шундай деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Муҳтарам ватандошларим!

Юртимизга Наврўз байрами кириб келиши билан мен бугун шу муҳташам ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, азизларимга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, қалбимда, юрагимда бўлган энг самимий тилакларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Илоё, хонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!
Табаррук кексаларимизнинг умрлари узоқ бўлсин!
Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин!
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Бахром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Асл йигит сўзи — Ҳарбий қасамёд!

ШУ СОНДА

- **Юракдаги жавоҳирим — Ватаним** 5
- **«Энг латофатли ҳарбий хизматчи»** 8
- **Япон софораси ўзбек заминида** 9
- **Сумалакли наврўзларинг бор бўлсин** 10
- **Соч толасидан 100 минг марта ингичка** 11
- **TV дастур** 12-13
- **Балиқчи тўрида 2 минг йиллик ҳайкал** 16
- **Аскар уйига қайтди** 18
- **Эйнштейннинг «телба» назарияси** 21
- **Готовимся к Летней олимпиаде** 22



6 МАЛАКА
САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ МАҲОРАТГА ЭЛТАР



7 ЭЪТИРОФ
ТОҒ ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИБ



8 ОИЛА ГУЛШАНИ
БАҲОРГА ЎХШАЙДИ ЎЗБЕК АЁЛИ



24 МАДАНИЯТ
ЭГИЗАК САНЪАТКОРЛАР ЮТУҒИ

БАЙРАМ ШУКУҲИ

ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ, НАФОСАТ АЙЁМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Диёримиз узра Наврўз нашидаси кезмоқда. Қиш либосини ечган борлиқ ўз гўзаллигини кўз-кўз қилмоқчидек турфа рангда жилоланади. Қут-барака, эзгулик, меҳр ва мурувват, одамийлик ва оқибат айёми – Наврўз дилларни сурур ва умидга тўлдиради.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари барчани умумхалқ байрами, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёми билан самимий қутлади. Ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъана-удумлари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

Муаззам майдон узра шўхчан куй – Наврўз навоси таралади. Шаббода шивири, қушлар чуғури, жилғалар жилдирашига ҳамоҳанг бу наво дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол жисму жонимизга ёқимли илиқлик таратади.

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган Наврўз сайли неча минг йиллардан буён халқимиз асраб-авайлаб, эъзозлаб келаётган ҳаётбахш ва гўзал қадриятларимиздандир.

Наврўз мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун касб этди. У ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, хайру саховат ва меҳр-оқибат каби халқимизга хос фазилатлар тимсолига – умумхалқ байрамига айланди.

Халқимиз бу йил Наврўзни ўзгача тадорик билан қарши олмоқда. Кўкламнинг илк кунларидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Юртимизда байрамолди ҳашарлари ташкил этилиб, унда ёшу қари, каттаю кичик фаол иштирок этди. Маҳаллалар, қишлоқлар, кўчалар, тураржойлар ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда табаррук қадамжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Барчамизнинг илдизимиз, томиримиз она заминга боғлиқ. Шу боис Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча, аввало, қишлоқ тимсолида намоён бўлади. Халқимизнинг ризқ-рўзи заҳматкаш деҳқонларимиз етиштирадиган ноз-неъматлар билан ўлчанади.

Наврўз байрамининг мазмун-моҳияти саховатли замин билан, деҳқону соҳибкорларимиз, чорвадору миришкорларимиз меҳнати билан, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ.

Майдон теграсида ҳилпираётган байроқлар табиатнинг анвойи рангларига уйғунлашиб кетган. Кўкда тебраниб турган улкан ҳаво шарлари дилларга ўзгача завқ бағишлайди. Саҳна гирдидаги турфа гуллар қуёш нурларида сирли жилоланади...

Болажон халқимизнинг улуғ байрамини баҳтиёр кичкинтойлар бошлаб беради. Юзларида самимият ва беғуборлик балқиган ўғил-қизларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари барчани болаликнинг сирли оламига етаклайди.

Баҳорни бежиз ёшликка менгзамайдилар.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб баркамол авлод тарбиясига, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ўзгаришлар силсиласида ёшлар сиёсати устувор аҳамият касб этади. Халқимиз эртанги кун умиди билан, ёруғ келажакка ишониб яшайди. Шу боис бугун барпо этаётган янги ҳаётни биз, аввало ўзимиз, қолаверса, ўсиб келаётган авлодимиз учун қурмоқдамиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт.

Ўтган 2008 йил – "Ёшлар йили"да ўғил-қизларимизга янада кенг йўл очиб бериш, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини, куч-қувватини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ёшлар том маънода бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда.

Таълим соҳасида қабул қилинган умуммиллий дастурларида кўзда тутилган ислоҳотлар бугун юксак самаралар бермоқда. Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ жалб этиш тизими шакллантирилди. Кадрлар тайёрлаш сиёсатининг натижалари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам эътироф этилган. 2008 йилнинг ўзида 169 касб-ҳунар коллежи, 23 академик лицей барпо этилгани, 1 минг 875 мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилгани келажак йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада оммавий спорт ўйинлари юксак самаралар бермоқда. Болалар спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли замонавий спорт мажмуаларида жисмоний камолотга етган ёшларимиз халқаро майдонларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтармоқда. Пекинда ўтган XXIX Ёзги олимпиада ўйинларида спортчиларимиз битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медални қўлга киритди. Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё биринчилиги мусобақаларида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, жорий йил Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида ўтган йили 184 спорт иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, минглаб фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган имкониятлар янада кенгайтирилди.

...Барча байрамлар ҳам азиз, барча байрамлар ҳам қадрли. Аммо Наврўзнинг соғинчи ва шукуҳи бўлакча. Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз соғ-саломат. Халқимизнинг орзулари мўл, тилаклари бисёр. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаётган қиз-жувонлар, сочларига толбаргак тақкан қизалоқлар, нигоҳлари осмонларда ҳаволанаётган варракларга боғланган болакайлар, белида белбоғи бор бўз йигитлар – барча-барча Наврўз сайлига ошиқади. Сайил қизийди: ҳофизу хонанда ҳам, ўланчию лапарчи ҳам, аскиячи ва қизиқчи, дорбозу морбоз, масхарабозу қўғирчоқбоз ҳам шу ерда. Улоқ-кўпкари, пойга, кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, мерганлик томошалари қизигандан қизийди. Дошқозонларда қайнаётган сумалак ва ҳалим ҳиди димоқни қитиқлайди...

Наврўз айёми азалдан меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик ифодаси бўлиб келган. Ўтмишда Наврўз куни урушлар тўхтаган, гина-кудуратлар унутилиб, элда тинчлик, осойишталик қарор топган. Ота-боболаримиз бундай кунларда фақат эзгу ишлар қилишга, кексаларнинг дуосини олиб, етим-есир, бева-бечора, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик кўрсатишга интилганлар.

Ана шундай эзгу фазилатлар Мустақиллик туфайли қайтадан қадр топиб, янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтироми жойига қўйилмоқда, жамиятимизда меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш, ҳеч кимни ёлғиз ва эътибордан четда қолдирмаслик муҳити тобора мустаҳкамланмоқда. Мустақил ҳаётга қадам қўйган ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини турар-жой билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ана шу эзгу фазилатларнинг амалий ифодасидир.

Буюк боболаримиз асрлар давомида яратган бой маънавий ва маърифий меросни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантириш, халқимизни, айниқса, ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда муаззам пойтахтимиз – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланади.

...Мақом, фольклор-этнографик ансамбларнинг чиқишларида, турфа рақсларда, халқ ўйинларида кўп минг йиллик тарихга эга, гўзал ва бетакрор байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топади. Бу қутлуғ айёмнинг кишиларни бирлаштирувчи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучи янада яққол намоён бўлади...

Наврўз арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш хайрли анъанага айланган. Шу кунларда юртимизда янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, тиббиёт муассасалари, маданият ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар замирида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар мужассам.

Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити яратилган. 2008 йилда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Ўзлаштирилган инвестициялар асосан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган изчил сиёсат туфайли 2008 йилда ўртача иш ҳақи 1,4 баробар ошди. Аҳолининг реал даромадлари йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш ижрочиларнинг она юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди...

Аждодларимиз янги меҳнат йилини айни Наврўздан бошлаганлар. Деҳқонларимиз эл-юрт дастурхони тўкин бўлсин, деган ниятда ерга барака уруғини сочганлар.

Айни кунларда фермерлар кўклам юмушлари билан банд. Ғаллазорлар озиқлантирилиб, ер майдонлари экишга тайёрланмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланган фермерларимизнинг 2008 йил пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил этгани уларга яратиб берилган шарт-шароит ва эътибор самараларидандир.

...Қорлар эриб, кўклам либосига бурканган қирадирларда баҳор элчилари – бойчечаклар, лолақизғалдоқлар кўзни қувнатади. Арқон солиб турналар учиб келади.

Дилбар куй-қўшиқ ва рақслар самога сочилган рангин мушакбозликка уланиб кетади...

Миллий боғ бўйлаб ёйилган қандолатчилик расталари сайил қатнашчилари, болажонлар билан гавжум. Миллий ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмаси эътиборни тортади.

Юртимиз бўйлаб Наврўз нашидаси кезади. Шаҳар ва қишлоқларимизда, бепоён дашту далаларда Наврўз сайли, шодиёналар давом этмоқда.

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎзА шарҳловчиси.

МУНОСАБАТ

Президент Мурожаатини ўқиб

БИЛИМ ЮРТЛАРИ ЕТАКЧИ ҲАРБИЙ-ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

Мамлакатимизнинг олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳарбий кадрларнинг профессионал тайёргарлиги тизимини изчил такомиллаштириб бориш Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, уларнинг жанговар қудрати ва қобилиятини юксалтириш доирасидаги энг муҳим йўналишлардан бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Ушбу йўналишда катта ишлар амалга оширилди. Ўқув жараёнининг мақсад ва вазифалари, йўналиши, курсантларни ҳарбий ислоҳотлар талаби асосида тайёрлаш ва тарбиялаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди. Барча қўшин турлари ва хиллари учун ташкилотчилик ва бошқарув маҳоратига, кенг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий дунёқарашга, қатъийлик ва кучли иродага эга бўлган, мураккаб тактик шароитларда тезкор, ностандарт қарорлар қабул қила оладиган ва мустақил ҳаракатланишга қодир бўлган, шахсий таркибни жипслаштира оладиган ва қўйилган вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлай оладиган юқори малакали офицерлар, командир ва бошқа мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Билим юртлари битирувчиларининг қўшинлардаги амалий ишлари текшируви натижалари кўрсатишича, Мудофаа вазирлигига қарашли олий ҳарбий таълим муассасалари интеллектуал ва профессионал жиҳатдан шаклланган, мустақиллик ғояларига садоқатли, Ватани, халқи ва Президентига содиқ бўлган, мамлакатимиз хавфсизлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш борасидаги тактик ва стратегик вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга қодир бўлган билимли офицерлар тайёрлашни асосан таъминламоқда.

Шу билан биргаликда, билим юртларининг айрим битирувчилари тезкор-тактик ва тактик фикрлай олмайдилар, уларнинг қарорлари ва ҳаракатлари кўпинча бир хил кўринишга эга, улар замонавий жангнинг мураккаб шароитларида жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун тайёргарлик кўришда бўлинмаларга раҳбарлик қилиш вазифаларини иккиланиш, қатъиятсизлик билан ҳал қиладилар. Уларнинг баъзилари қўл остидагиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг руҳий-педагогик асосларини бўш ўзлаштирган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда ҳарбий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳарбий билим юртларининг нуфузи ва аҳамиятини ошириш мақсадида мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони ўз Мурожаатида олий ҳарбий таълим муассасалари олдига қўйиладиган янги вазифаларни аниқ белгилаб берди. Жумладан, Мурожаатда **«Олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади»**, деб таъкидланган.

Бу ўқув-тарбия жараёнини қайта қуриш, унинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш заруратини англатади, ва бу, шубҳасиз, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, офицер кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ўқув-тарбия жараёнини қайта қуришда билим юртлари раҳбарияти ҳарбий қурилишнинг энг янги илмий-амалий ишланмаларига таяниши, курсантларнинг билими, ақли, онги, уларнинг ҳаётий ва хизмат тажрибасини ҳисобга олиши, улар томонидан ўзларининг энг яхши сифатлари, ташаббускорлик ва ижодкорлигини ҳар томонлама намоён этилишига қараб иш тутишлари лозим.

Ҳар бир курсантда нафақат билим юрти раҳбарияти буйруқларининг ижрочисини кўриш, балки ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг улкан ижодий салоҳиятини очиб бериш энг муҳим вазифалардан биридир. Ва бу ёшлар билим, малака борасида ўссин, янги ғояларни таклиф этсин ҳамда уларни қўмондон-ўқитувчилар таркиби раҳбарлиги остида амалга оширсин. **«Ҳарбий билим юртлари, — дейди Юртбошимиз, — қурол-яроғ ва техниканинг замонавий тизимлари ҳамда қўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича амалда Қуролли Кучларнинг етакчи ҳарбий-илмий марказларига айланиш даркор».**

Бу вазифани бажариш мумкинми? Албатта, мумкин. Чунки барча билим юртларимиз билимдон, юксак тайёргарликка эга бўлган, қўшинларда ишлаш борасида катта тажриба орттирган мутахассислар билан таъминланган. Бунда энг муҳими – **билим юртлари раҳбарияти, ҳар бир ўқитувчи мамлакат Президенти томонидан қўйилган вазифа кундалик вазифалар доирасидан ажралиб туришини, ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳарбий таълим муассасалари ривожидаги янги босқични англатиши, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий-таълим борасидаги аҳамиятини янги даражага кўтаришини чуқур англаб олиши лозим.** Ҳарбий билим юртлари амалда Қуролли Кучларнинг етакчи ҳарбий-илмий марказларига айланиши зарур. Бу, агар истасангиз, – янги чўққи, янги сифат, ишга янгича ёндашув ва янги услублардир. Эскича ёндашув ва эски билимлар билан ушбу кенг кўламли вазифани бажариб бўлмайди. Ва бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Замондан ортда қолганлар учун фақат битта йўл бор – ўз ўрнини билимли, кенг дунёқарашга эга бўлган, янгича фикрловчи кадрларга бўшатиб бериш.

Яна бир муҳим жиҳат чуқур фикрлашни талаб этади: янги босқич бошланиши билан ишланмаларнинг илмий даражасига, илмий ишларнинг Қуролли Кучлар учун амалий жиҳатдан фойдали бўлишига энг юксак талаблар қўйилиши лозим. Фан фан учун эмас, балки фан Қуролли Кучларнинг амалий фаолиятини, юқори самарали жанговар фаолиятини янада яхшилаш, такомиллаштириш учун хизмат қилиши керак. Бу эса билим юртларининг қўшинлар билан янада яқин алоқада бўлишини ҳамда ҳаётий муҳим лойиҳаларни амалга ошириш борасида қўшинлар муҳандислари, ихтирочилар, мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб боришини талаб этади.

Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ҳарбий билим юртларининг ўқув-моддий базасига нисбатан янги, янада юксак талабларни қўяди. **«Бунинг учун, — дейди Президентимиз, — улар жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирилган вазиятни моделлаштиришга қодир бўлган энг замонавий тренажёрлар билан жиҳозланиши, ўқув жараёнида моделлаштириш ва симуляция усулларидан кенг фойдаланиши даркор. Шу муносабат билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик билим юртида қисқа вақт ичида Қуролли Кучларнинг Махсус моделлаштириш ва симуляция маркази ўқув бўлинмаларини ташкил этиш лозим. Уларнинг зиммасига марказий бўлинмаларнинг моделлаштириш ва симуляция усулларини, шунингдек, армиямизнинг офицер кадрлари ҳамда сержантлари таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёни учун ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаларини юклаш зарур».**

Бу иш Тошкент ва Чирчиқ ҳарбий билим юртлари раҳбариятидан тезкорлик, ишбилармонлик ва қўйилган вазифаларни қисқа муддатда сифатли ҳал қилишни талаб этади. Бу жуда мураккаб, аммо зарурий ишдир ва уни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу ишда орқада қолиш офицер кадрлар тайёрлаш сифатига бевосита таъсир этади. Ҳарбий ишдаги ҳар қандай қолоқлик кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳарбий билим юртлари олдига қўйилган бундай улкан аҳамиятга эга бўлган вазифани ҳал қилиш биринчи навбатда билим юртларининг қўмондонлик-ўқитувчилар таркибига боғлиқдир. Аммо **ўқитувчининг алоҳида ролини таъкидлаб ўтиш** зарур, деб ўйлайман. У бугунги кунда – билим юртидаги тубдан ўзгаришларни амалга оширишда муҳим ўрин тутувчи шахсдир. Кўзда тутилган ўзгаришлар, биз яшаётган замон талабларига тўла мос келувчи офицер кадрларнинг янги ва янги авлодини тайёрлаш сифати ўқитувчининг билими, педагогик маҳорати, фаол ҳаётий позициясига, унинг маънавий-руҳий кайфиятига, қўйилган вазифаларни ҳал қилишга ижодий ёндаша олиш маҳоратига боғлиқдир. Ўқитувчилар олдида турган вазифалар жуда мураккаб ва кенг кўламли. Улар ҳақиқий педагогик ва илмий фидокорлик, жонбозликни, курсантларни ўқитиш ва тарбиялашда доимо янгича ёндашувларни қидиришни, ўз устида тинмай ишлашни ва ўз меҳнатини қадрлашни талаб қилади. Билим юрти раҳбариятининг вазифаси ўқитувчининг ижодий фаоллиги ҳар қандай шароитда ҳам пасаймаслиги, аксинча у доимо ўсиб бориши, сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилиши учун барча ишларни амалга оширишдан иборат. Шуни унутмаслигимиз керакки, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва янада такомиллаштириш шароитларида ижодкорлик ва изланувчанлик, масъулиятлилик ва ишчанлик, ишни амалий ташкил эта олиш ҳамда кишиларни кўзланган мақсад сари йўллай олиш маҳорати ҳар бир раҳбар, аниқроғи, ҳар бир офицер ва сержантнинг асосий сифатларига айланмоқда.

Бўлажак офицернинг замонавий ҳарбий сафарбарлик ва мобилизация ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, ҳарбий техника ва қуролларни, ўқ-дорилар ва бошқа моддий воситаларни ишончли сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, ҳарбий ҳаракатлар ва жанговар ҳаракатларни ташкил этиш ва олиб бориш, ҳарбий ҳаракатлар ва

ҲАРБИЙ

ДАЛИ СЛОВО – РОДИНУ БЕРЕЧЬ

Так получилось, что в этом году принятие Военной присяги солдатами срочной службы почти совпало с празднованием светлого праздника весны и обновления – Навруза. Праздничный настрой воинов и их близких, всех участников торжества, говорил о том, что понимание священного долга по защите Родины делает еще прочнее узы единства армии и народа.

Тилов-ака и Халават-апа Асадовы приехали из Бухарской области, чтобы поздравить с этим незабываемым событием сына, Жонибека. Юноша мечтает остаться в армии на службу по контракту, тщательно готовился к этому, успешно прошел все тесты и испытания.

– Я тружусь в сфере народного образования, – говорит отец солдата. – И мне приятно отметить, как за годы Независимости в народе вырос престиж профессии защитника Родины. Поэтому мы с супругой с радостью благословили сына, сделавшего истинно мужской выбор профессии. Надеемся, что командиры тоже окажут ему помощь добиться поставленной цели – стать в ряды военных профессионалов.

Убеленный сединами аксакал Адхам-ата Абдурахманов приехал из Олтиарикского района Ферганской области, чтобы в этот радостный день разделить событие с внуком, рядовым Бекмирзой Адхамовым.

– Нашим внукам выпало выполнять свой долг перед Отчизной в мирное время, – говорит аксакал. – Но теперь именно им предстоит этот мир охранять с оружием в руках. Я уверен, что наши внуки будут служить достойно.

В подразделении капитана Фархода Супиева стоят в строю рослые, как на подбор, парни. При виде мощи и силы, исходящих от этих молодых людей, просто душа радуется. Независимость и мирный труд нашего народа находятся под надежной защитой.

– До службы в армии я занимался боксом, – говорит рядовой Зохид Кулдашев, призванный из Багдадского района Ферганской области. – Уже в первые дни службы я узнал о том, что в части в дальнейшем у меня будет возможность заниматься физической культурой и спортом.

А вот Борис Азимов из древнего Самарканда мечтает стать офицером. Поздравить его с принятием Военной присяги приехали мама, Бахора-апа, и брат Феруз, студент СамГУ.


– Героика профессии защитника Родины наглядно показана нам на примере нашего великого предка Амира Темура, – говорит солдат. – Нам завещано нашими дедами и прадедами беречь родную землю, поэтому я был готов служить в любом уголке суверенного Узбекистана. А тут выпала честь нести службу в столице, принять присягу в парке «Жасорат боги». У меня даже не хватает слов, чтобы передать все эмоции и переживания.

С принятием Военной присяги поздравил воинов первый заместитель Министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил генерал-майор А. Косьяненко. В словах его поздравления также рефреном прозвучала мысль о том, что теперь всем нам предстоит беречь мир и покой на нашей священной земле.

Со словами добрых напутствий и пожеланий обратились к солдатам офицер Абдували Хамраев, дед солдата Хайрулло-ата Ниёзов, мать воина Гуландом-апа Норова, которые призвали молодых людей к достойному служению Отчизне.

Праздничную атмосферу этого мероприятия усилило выступление Центрального ансамбля песни и танца Вооруженных Сил Республики Узбекистан, которое тепло восприняли зрители.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**



Ҳарбий қасамёд

ЭР ЙИГИТЛАР ОНТИ

Ҳарбий қасамёд. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитларнинг энг унутилмас, ҳаяжонли онларидан бири айнан шу кун бўлса, ажабмас.

Сафларга яқинда келиб қўшилган аскарларнинг қалбида фахр-ифтихор туйғулари жўш уриётганини сезасиз. Ҳарбий қисм саф майдонини тўлдириб, бир текис тизилишган юрт посбонларига қараб кўз қувнайди. Ҳарбий қисм ҳудудида шу кун ўзгача бир манзара намоён бўлди. Тадбирга ташриф буюрган ота-оналар, меҳмонлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, қисм ҳарбий хизматчилари юзида қувонч, ҳаяжон акс этмоқда.

Мана, ниҳоят орзиқиб кутилган дақиқалар етиб келди. Ёш аскарларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишларига бағишланган тантанали маросим бошланди.

«Қасамёд қабул қилишга киришилсин» буйруғи янграгач, ҳарбий либослари ўзларига ярашиб турган аскарлар бирин-кетин сафдан шахдам қадамлар билан чиқиб, Президентига ва халқига садоқат ила хизмат қилишга қасамёд қилдилар.

Ҳарбий қасамёд қабул қилган оддий аскар Суҳроб Раҳмонов сафдошлари номидан сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

– Профессионал миллий армиямизга муносиб аскар бўлиш, асл ватанпарвар бўлиб, юртимиз сарҳадлари ва унинг тинчлигини ҳимоя қилиш бизга ишонилган экан, ваъда бериб айтаманки, мен ва сафдошларим ўз лафзимизга содиқ қолиб, билдирилаётган юксак ишончни сидқидилдан оқлаймиз.

Тантанага бағишланган митингни офицер Шавкат Тўхтаев очди. У ёш посбонларни ва уларнинг яқинларини бугунги унутилмас тантана билан табриклади. Шундан сўнг сўзга чиққан офицерлар Ўктам Аҳмедов, Авазбек Қорабоев, туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Пўлатова, туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари вакиллари, маҳалла раиси Эдуард Каграмонов ҳамда ёш аскарларнинг ота-оналари ҳам йигитларни бугунги тантана билан табриклаб, ўзларининг самимий тилакларини билдиришди.


Оддий аскар Шаҳзод Файзуллаевнинг онаси Саодат Шодиева эса ҳаяжон билан шундай деди:

– Қалбимда қувонч, ажиб бир ҳис, ҳаяжон бор. Буни қаранг, ўғлоним ҳақиқий эр йигит бўлиб, эл- юрт, Ватан тинчлигини кўз қорачиғидек ҳимоя қилаётган мардлар сафидан жой олиб турибди. Бу менга фахр, ғурур бағишлайди. Ҳарбий либоси бирам ўзига ярашиб турибдики, унга қараб, кўзим қувнайди.

Митингдан сўнг ота-оналар ва меҳмонлар ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмасини томоша қилдилар. Аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Ишончимиз комилки, метин сафларга қўшилган ўғлонлар ўз қасамёдларига доимо содиқ бўлиб, Ватанимиз осудалиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг фаровон ҳаётини асраш йўлида фидойилик билан хизмат қиладилар.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.



ҚАСАМЁД



ЮРАКДАГИ ЖАВОҲИРИМ – ВАТАНИМ

Ватан бу – биз учун номус-иймондир,
Ўқ ўтмас, муқаддас метин қўрғондир,
Тоабад юртимга кўксим қалқондир,
Бўлсин дея Ватан мангу барҳаёт –
Қасамёд қилурман, халққа қасамёд!

Ўғлонлар учун Ҳарбий қасамёд садоқатдан, матонатдан онт ичиладиган таомил, анъана. Чунки эр йигитлар учун Ватан тинчлиги ва ҳурлигини асрашдан азизроқ бурчнинг ўзи йўқ. Шу сабабли Ҳарбий қасамёд тадбирлари ҳарбий қисм ва муассасаларда катта тантаналар ила амалга оширилади.

Ана шундай тантана Марказий ҳарбий округида ҳам бўлиб ўтди.

Йиғинда бошланғич ҳарбий тайёргарликни эгаллаган ўғлонлар қадларини ғоз тутган ҳолда мағрур туришибди. Айни дамда улар қалбида кечаётган ҳис-туйғуларни, ҳаяжонни англаш қийин эмас. Чунки бу дамлар нафақат аскарлар, балки уларнинг ота-оналари учун ҳам унутилмас онлардир. Тадбирга давлат ва жамоат ташкилотларидан ҳам вакиллар ташриф буюришган.

Ўғлонлар Ҳарбий қасамёд қабул қила бошладилар. Уларнинг ҳаракати, ўзларини тутишидан бир ой давомида тажрибали устозлар қўлида сабоқ олишганлигини англаш қийин эмас.

– Бошланғич ҳарбий тайёргарлик дастури асосида посбонларга малакали офицер ва сержантлар машғулотлар олиб боришди, – дейди йиғин етакчиси офицер Жамшид Салимов. –Тажрибали офицерлар Фарҳод Абдураҳмонов, Шуҳрат Халилов, Ҳотамтой Бойболаев, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Омад Турдиев, Ваҳобжон Исмоилов каби ҳарбий хизматчиларнинг саъй-ҳаракатлари сабаб, уларнинг барчаси бошланғич тайёргарликни талаб даражасида ўзлаштиришга эришишди. Қасамёддан сўнг жанговар тайёргарлик дастури бўйича машғулотларни давом эттиришади.

Фарзанди учун масъулиятли, эсда қоларли кунда бирга бўлиш ниятида келган ота-оналар улардаги ўзгаришлардан қувониб, ўғиллари эр йигитлар сафида эканлигидан қалблари ғурурда.

– Ўғлим бағримдан узоқлашмаган эди, – дейди Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманига қарашли Туманботир қишлоғидан хизматга чақирилган Жонибек Эгамбердиевнинг онаси Дилшодахон Носирова. – Шунинг учун Ҳарбий қасамёд кунини интиқлик билан кутдим. Унинг ҳаракатлари, муомаласи, ўзини тутиши, ўзига бўлган ишончини кўриб жуда қувондим. Аскарларга яратилган шароит эса мен ўйлагандан ҳам зиёда экан. Фарзандимга устозлик қилаётган барча ҳарбийлар, ҳарбий қисм жамоасига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ўғлимга Ватан посбони бўлиш насиб этганидан беҳад мамнунман.

– Набирам Сардорбек Собировнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш кунида ёнида бўлиш учун Бухоронинг Арабхона қишлоғидан келдик, – дейди Ризвон опа. – Ишонсангиз набирамнинг олдига ота-онасидан аввал мен ошиқдим. «Мевасидан мағзи ширин» деб шуни айтишса керак-да. Сардорбекка ҳарбий либос ярашганлиги, қасамёд қилаётгандаги мағрур туришларини кўриб, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Шу кунларга етказганига шукур.

Посбонларнинг ота-оналари ва яқинлари билан суҳбатлашар эканман, улардаги қувонч, ғурур ва шукроналик туйғуларини ҳис қилдим. Қашқадарё вилоятидан хизматга чақирилган оддий аскар Абдулазиз Боқиевнинг онаси Кароматхон, паркентлик оддий аскар Жўрабой Исматовнинг ота-онаси Жумабой ака ва Кароматхон, Наманган вилоятида вояга етган оддий аскар Акромжон Нишоновнинг акаси Одилжон, ғиждувонлик ўғлон оддий аскар Меҳриддин Носировнинг ота-онаси Мавжуда опа ва Элдош акалар юрт ҳимоячиларига ўзларининг эзгу ниятларини изҳор этишди.

Ушбу тантанали тадбирда энг ҳаяжонланаётганлар шубҳасизки, ёш аскарлар, яъни Ҳарбий қасамёд эгалари.

– Бугун биз катта довон сари қадам қўйдик, десам тўғри бўлади, – дейди оддий аскар Бекзод Исабоев. – Бу борада барча дўстларимга суянсам арзийди. Чунки сафдошларимнинг ҳаммаси ўзига, иродасига ишонган тиришқоқ йигитлар. Уларнинг эзгу мақсади хизматни аъло даражада ўташ, келажакда етук инсон бўлиш. Бугунги Ҳарбий қасамёд эса барчамиз учун унутилмас бўлиб қолади.

Ҳарбий қасамёд тантанасида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар сўзга чиқиб, аскарларни қутлуғ кун билан муборакбод этиб, келгуси хизматларида омад тилашди.

Ватанни юракдаги жавоҳир, дея таърифлашади. Ўғлонларимиз томонидан мана шу юракдаги жавоҳирни асраш учун ичилган онт умрларининг энг ёрқин онларига айланишига асло шубҳа йўқ.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Қуролли Кучлар хизматчиси
Дилшод ИБРАГИМОВ суратга олган.

НА ВЕРНОСТЬ РОДИНЕ

Для рядовых Шерзода Бободжанова, Достонбека Абдукаххарова, Хаетжона Салимова и их сослуживцев минувшее воскресенье стало вдвойне праздничным. В присутствии родителей и близких они приняли Военную присягу на верность Родине, народу и Президенту. С этим радостным событием новое поколение защитников Узбекистана поздравили представители вышестоящего командования, государственных и общественных организаций, аксакалы, родители и друзья.

С раннего утра звучала музыка военного оркестра, полыхали всеми красками радуги букеты цветов, сквозь слезы радости и гордости улыбались матери, все взоры были устремлены на торжественное построение личного состава.

...Крепкие духом, красивые и гордые, четким шагом выходили молодые воины перед строем своих товарищей и уверенным голосом зачитывали священные строки Военной присяги...

В адрес виновников торжества прозвучали горячие поздравления гостей и отеческие напутствия. Это был настоящий праздник.

– Сегодня для нас двойной праздник – праздник весны и обновления Навруз и день, когда мы дали священную клятву защищать нашу независимость, быть верными Родине, народу и Президенту, стать отличными специалистами в профессиональном отношении, – говорит в беседе рядовой Акбар Исаев. – Наши сердца наполнены гордостью и огромным желанием своей отличной и безупречной службой доказать верность данному слову. От себя лично и моих товарищей заверяю: мы не подведем!

– Впечатления о современной армии нашей страны самые хорошие, – делится впечатлениями бабушка рядового Шерзода Бободжанова из города Хивы Хорезмской области Онажон-апа Жуманиязова, посвятившая себя преподавательской стезе. – Офицеры части ознакомили нас, солдатских матерей, с условиями жизни, быта и службы. Отличные спальные расположения, аудитории, комнаты бытового обслуживания, компьютерные классы, столовая и меню питания. Признаться, здесь все очень впечатлило меня. Я, конечно же, в армии не служила, однако, побывав в этой атмосфере, прониклась духом армейской службы. Кроме этого, командование части поведало нам о традициях данного подразделения. Ну а то, что немало солдат, прошедших здесь службу, изъявляют желание связать свою дальнейшую жизнь с армией, является как бы «визитной карточкой» этого подразделения. Одним словом, за наших сыновей мы очень рады и спокойны. Большое материнское спасибо!

Сегодня эти молодые ребята вместе штурмуют высоты воинского мастерства. Прозвучавшие в их адрес напутствия навсегда останутся в памяти каждого солдата. Военная присяга поможет им глубже осознать свою личную ответственность за защиту завоеваний Независимости, с большим упорством и настойчивостью добиваться успехов в боевой учебе и службе.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

МАЛАКА

ИЛК САБОҚЛАР – МУСТАҲКАМ БИЛИМ ПОЙДЕВОРИ

Юрт ҳимоячиси деганда, аввало кўз олдимизга ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки бир иш эмас, Ватани, халқи, истиқлоли олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган марду майдонларимиз гавдаланади. Армиямиз жанговар кучи, қудратини, ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч бу – унинг сафларидаги мард ўғлонларимиздир. Замонавий жанговар техника, қурол-аслаҳани моҳирона бошқариш, хавфсизлигимизни таъминлаш учун посбонларимиз юксак тайёргарликка эга бўлмоқлари лозим.



Жорий йилда муддатли ҳарбий хизматга чақирилиб, юрт посбони деган шарафли номга сазовор бўлган ўғлонларимиз йиғин давомида илк сабоқлар олишди. Яқинда офицер Садриддин Мўйиддинов етакчилигидаги ҳарбий жамоага қўшилган аскарлар учун жанговар техника ва қурол-аслаҳалар намойиш этилди.

... Полигонда саф тортиб турган азамат йигитларга қараб, қалбингиз қувончга тўлса, замонавий техника ва қурол-аслаҳаларни кўриб, армиямиз қудратидан ғурурланасиз. Ўқув нуқталарида тажрибали мутахассис ва йўриқчилар аскарларга жанговар техника ва қурол-аслаҳа бўйича назарий тушунчаларни беришмоқда. Посбонлар машғулотларга жиддий эътибор қаратишиб, керакли саволларга жавоб олишмоқда. Улардаги интилиш ва қизиқишни кўриб, бу йигитларнинг ҳақиқий ҳимоячилар бўлиб шаклланишига ҳечам шубҳа қилмайсиз. Ҳа, улар Ватаннинг муносиб ҳимоячиси, истиқлол посбони, тинчлик қалқонидирлар. Айниқса, қўл жанги бўйича ўтказилган кўргазмали чиқишда сафларга яқинда қўшилган оддий аскар наманганлик Сардор Турдиалиевнинг ҳам иштирок этиши сафдошларининг олқишига сазовор бўлди. Сардор ёшлигидан спортнинг таэквондо тури билан мунтазам шуғулланиб келган ва тўрт карра ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритган. Шунингдек, кичик сержантлар Фарҳод Собиров, Шуҳрат Юсупов, Анвар Ҳазратқуловлар етакчилигидаги гуруҳ аъзоларининг ҳарбий техникаларни бошқариш ва жанговар қуроллардан нишонга бехато отишлари аскарларда соҳага янада ҳавас уйғотди.

Машқларни малакали офицерлар ва профессионаллик сари одимлаётган кичик командирлар юксак даражада олиб боришди.

Оддий аскар Абдуқодир ЮНУСОВ, Андижон вилоятидан:

– Касб-ҳунар коллежини тугатиб, муддатли ҳарбий хизматни ўташга келдим. Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, аскарлик либосини кийишга муяссар бўлдим. Хизмат ҳаётимда катта бурилиш ясашига ишончим комил. Шу қисқа вақт ичида армия ҳаёти мени ўзига оҳанрабодек тортди. Хизматим давомида ҳарбий билимларни мукаммал эгаллаб, келажакда шарафли касб эгаси бўлишни мақсад қилганман. Бугун ўтказилаётган ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа намойиши менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, мен каби ўғлонларнинг жанговар машиналарни бемалол бошқариши, улардан нишонга бехато отиши мени руҳлантирди. Мен ҳам ўқиб, изланиб, офицер ва сержантлардан соҳа сир-асрорларини ўзлаштириб, юртга муносиб посбон бўлишга ҳаракат қиламан.

Оддий аскар Олтинбек АБДУЛЛАЕВ, Самарқанд вилоятидан:

– Мана, эгнимга ҳарбий либос кийиб, юрт ҳимоячиси деган номга мушарраф бўлдим. Бундайин катта ўқув машғулотида илк бор қатнашишим. Назарий ва амалий машғулотлар биз аскарлар учун улкан аҳамиятга эга, деб биламан. Жанговар техникаларни бошқариш, қурол-аслаҳалардан фойдаланиш каби машқлардан зарур тушунча ва билимларга эга бўлдик. Шунингдек, мен асосий эътиборимни замонавий алоқа воситаларига қаратдим. Чунки ёшлигимдан шунга қизиқишим бор. Уларнинг ишлаш механизмлари, тавсифлари ҳақида керакли маълумотларни олдим.

Оддий аскар Жўрабек ШАҲРИЁРОВ, Сурхондарё вилоятидан:

– Муддатли ҳарбий хизматга келган илк кунларимданоқ, офицерлардаги шижоат, интеллектуал салоҳият, командирлик қобилияти қалбимда шу касбга нисбатан қизиқиш уйғотди. Келажакда олий ҳарбий билим юртига ҳужжат топшириб, Қуролли Кучларимиз сафида офицер сифатида фаолият юритишни ният қилиб қўйдим. Бугунги кўргазмали ўқув машғулоти жараёнида жуда кўп янгиликлардан воқиф бўлдим. Мени айниқса, сержантларнинг қудратли ҳарбий техникаларни бошқаришни мукаммал эгаллаганликлари, уларнинг дадил, ҳақиқий командирларга хос ҳаракатлари руҳлантирди.

Дарҳақиқат, ўтказилган машғулотлар посбонларнинг илк хизмат онларидан унутилмас хотира бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Майор А. КАМОЛОВ суратга олган.

САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ МАҲОРАТГА ЭЛТАР

Тошкент ҳарбий округининг дала ўқув майдонида сафларга яқинда қўшилган аскарлар учун жанговар техника ва қурол-аслаҳалар намойиш этилиб, машғулотлар ўтказилди.

Бу тадбирдан кўзланган мақсад эгнига ҳарбий либос кийиб, юртга муносиб посбон бўлишга аҳд қилган ёшларга Қуролли Кучларимиз мудофаа салоҳиятини, ҳарбийликнинг қанчалар шарафли ва масъулиятли эканини англатиш.

Машғулот давомида аскарлар жанговар қурол-яроғ ҳамда техникалар ҳақида кенг тасаввурга эга бўлдилар. Жанговар техникани моҳирона бошқариш, қурол-аслаҳалардан фойдаланиш, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш, таъминот воситаларини ишлатиш бўйича атрофлича маълумот олдилар.

Ҳарбий хизматчилар томонидан намойиш этилган қўл жанги сирлари, ҳимояланиш усуллари бўйича кўргазмали чиқишлар ҳам аскарларга манзур бўлди.

Офицер ва сержантлар, шунингдек, курсантларнинг жанговар техника ёрдамида ҳаракатланиш, нишонга отиш машқларини аскарлар зўр қизиқиш, ҳавас билан кузатдилар. Хусусан, курсантлар – Хуршид Мамадалиев, Раҳматали Исоқов, Икром Турсунов, Ғайрат Деҳқонов, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шоҳруҳ Хидиров, Убайдулла Акромов, Собиржон Отабековларнинг натижалари уларнинг профессионал сифатида қанчалар шаклланаётганини кўрсатди.

– Хизматни бошлаганимга бир ой бўлди. Илк сабоқларданоқ менда катта қизиқиш уйғонмоқда. Профессионал армиянинг посбонлари сафида эканимдан ғурурланаман, – дейди наманганлик оддий аскар Баҳриддин Абдукаримов.

– Муддатли ҳарбий хизматга келгунга қадар Фарғона давлат университетининг психология факультетида таҳсил олдим. Талабалик кезларимда: «Ўқишни тамомласам, албатта, Ватан олдидаги йигитлик бурчимни ўтайман», дея ният қилган эдим. Мана ўша ниятим амалга ошиб, бугун юртимнинг сара, жасур посбонлари билан бир сафда чегараларимиз дахлсизлигини, юрт тинчлигини қўриқлаб келмоқдаман. Ана шундай шарафли ишга муносиб топилганимдан фахрланаман. Кўргазмали машғулот қалбимдаги ифтихор ва ғурур туйғуларини янада алангалатди, десам хато бўлмайди.

– Мактабни битирибоқ муддатли ҳарбий хизматга йўл олдим. Армияда эр йигит ҳар томонлама улғайиши, чиниқиши, шаклланиши ҳақида отам, акаларим кўп уқтиришган. Шу боис ўқувчилик пайтимдаёқ шарафли соҳага қизиқишим кучли эди. Белгиланган синовлардан муваффақият билан ўтиб, посбонликка сазовор бўлдим. Гарчи хизматни бошлаганимизга унчалик кўп вақт бўлмаган эсада, қисқа давр ичида кўп нарсаларни ўргандик, ҳарб илмидан илк сабоқларни олдик. Саф тайёргарлиги бўйича машғулотларда қатнашдик, Умумҳарбий низомлар билан танишдик. Бугунги машғулот орқали эса қурол-яроғлар ва ҳарбий техника воситалари ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлдик. Уларни моҳирона бошқаришда юксак маҳорат талаб этилишини англадик, – дейди оддий аскар Умид Ҳабибуллаев.

– Аскарлардаги ҳарб санъати ва илмини эгаллашга бўлган қизиқиш анчайин кучли, – дейди лейтенант Темур Сафаров. – Турли синовлардан ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга жалб этилган посбонлар билан суҳбатлашар экансиз, уларнинг билимли, қобилиятли, дунёқараши кенг ёшлардан эканига гувоҳ бўласиз. Айниқса, улардаги шарафли соҳага меҳр ва қизиқиш таҳсинга сазовор. Бунга бугунги машғулотда яна бир карра амин бўлдим.

Муддатли хизмат оддий аскарлари – Мурод Рўзиев, Николай Карпенко, Шоҳруҳ Валиевлар ҳам кўргазмали машғулотдан ўзлари учун керакли маълумотларни олганликларини, етарли кўникма ва тасаввур ҳосил қилганликларини баён этишди. Демак, салоҳиятимиз намойиши уларни маҳоратга, матонатга етаклайди. Ўз устида кўпроқ ишлашга, билим олишга ва миллий армиямизга муносиб бўлишга ундайди.

Жамшид СОБИРҚУЛОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.



ЭЪТИРОФ

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ТОҒ ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИБ

Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 17 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан юрт ҳимоячиларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Профессионаллик сари дадил одимлаётган кичик сержант Зокир Яллакаев ҳам «Содиқ хизматлари учун» медалига сазовор бўлган эди.



Юрт ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб бўлиб, мустақиллигимизни, ҳар бир қарич тупроғимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган посбонлар бугун Қуролли Кучларимиз сафида талайгина. Мақоламизда мана шундайлардан бири – Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти тоғ тайёргарлиги кафедраси йўриқчиси кичик сержант З.Яллакаев ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Кичик сержант Яллакаевни сафдошлари доим ҳурмат билан тилга олишади. Кичик командирнинг жанговар сафлардаги хизмати бошланганига яқинда саккиз йил бўлади. Интилиш, меҳнат, ўз устида ишлаш, устозлар ўгитига риоя қилиш ҳар қандай кишини, қайси касбда бўлишидан қатъи назар, комилликка, муваффақиятга етаклайди. Қаҳрамонимиз ҳам билим ва маҳоратда ўз иқтидорини, салоҳиятини намоён қила олган ўғлонлардан. Муддатли ҳарбий хизматини мотоўқчилар қисмида ўтаган посбон – кечаги намунали аскар, бугун шартнома асосидаги илғор, асл профессионал бўлиб шаклланиб келаётган кичик командир сифатида хизматини сидқидилдан ўтаб келмоқда.

– Ҳарбийликдек шарафли касбга бўлган ҳавасим аскарлик кезларимда пайдо бўлганди, – дейди у биз билан суҳбатда. – Армияда яратилган шарт-шароитлар, офицер ва сержантларнинг биз посбонларга бўлган муносабати бу касбни танлашимда асосий туртки бўлди. Шу вақт ичида ўз соҳам бўйича жуда кўп билим ва кўникмаларни эгалладим.

Хизмати мобайнида лавҳамиз қаҳрамони ўқув машғулотларида, синов ва имтиҳонларда масъулиятлилиги, талабчанлиги ва билимдонлиги билан кўпгина ижобий натижаларни қўлга киритиб, сафдошларига ўрнак бўлди, командирларнинг эътиборига тушди.

– Кичик сержант Яллакаев ўз вазифасини шараф билан уддалаб келаётган ҳарбийларимиздан ҳисобланади, – дейди офицер Жаҳонгир Шайматов. – Унинг фикрлаш қобилияти, дунёқараши кенглиги, машғулотларда фаол иштирок этиб, қўйилган топшириқни виждонан бажариши, соҳасининг сир-асрорларини мукаммал билиши курсантларни тарбиялашда катта ёрдам бермоқда.

Дарҳақиқат, тоғ тайёргарлиги кафедрасида йўриқчи вазифасида хизмат қилаётган кичик командир курсантларга соҳанинг назарий ва амалий билимларини етказиш, тоғли ҳудудларда ҳаракат қилиш, жойлашиш, тоғли тўсиқ, дара, дарё ва жарлардан талафотсиз ўтиш, уларнинг ҳарбий альпинизм бўйича маҳоратларини оширишда жонбозлик кўрсатиб, Қуролли Кучларимиз сафларининг малакали офицерлар билан тўлишига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Билим юртида ташкил этилган тоғ тайёргарлиги майдончасида бўлганимизда кичик командирнинг курсантлар билан олиб бораётган амалий машғулотларини кузатиб, бунга гувоҳ бўлдик. Лавҳамиз қаҳрамони соҳаси бўйича гапириб берар экан, унинг касбига бўлган меҳри, иштиёқи бизда катта таассурот қолдирди.

– Кафедрамиз ўқув мавсуми режасига дала-ўқув машғулотларини киритиб, курсантларнинг амалий билим ва маҳоратларини оширишга улкан эътибор қараттанмиз, – дейди кичик сержант Яллакаев. – Улар тоғли ҳудудда ҳаракат қилиш, жанговар вазифани бажариш бўйича амалий тайёргарликлардан ўтишади. Тоғ тайёргарлиги машғулотини ўтказиш ўзининг бир қатор хусусиятларига эга. Тоғда ҳаракат қилиш бир қанча қийинчиликларни туғдиради. Айниқса, тоғли ҳудудлар қор, муз билан қопланган вақтда гуруҳ билан ҳаракат қилиш мукаммал билим ва маҳоратни талаб этади. Шуларни инобатга олган ҳолда, курсантларга амалий машғулотларни пухта ва кўргазмали воситалар орқали олиб боришга интилаяпмиз.

Дарҳақиқат, тоғли ҳудудларда тўсиқларни осон енгиб, ҳаракат қилиш учун зарур анжомлар билан ишлаш биринчи вазифа ҳисобланади. Шу сабаб, курсантларнинг тоғ анжомларини керакли жойда тўғри ва аниқ қўллай билишлари энг асосий омил бўлиб, бу борада анча тажрибага эга бўлмоқлик лозим. Кичик командир машғулот давомида курсантларга музёрар, чангак, кўкрак ва бел боғлами, карабин, саккизлик халқа, асосий ва ёрдамчи арқон, илгаклар, қоя ва муз қозиқларидан фойдаланиш сир-асрорларини пухта ва мукаммал ўргатишга ҳаракат қилаяпти.

– Курсантларда бу машғулотга нисбатан қизиқиш жуда кучли, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Бугун биз курсантларга тоғ анжомлари ва улардан фойдаланиш ҳамда даралардан, дарё ва жарликлардан ўтишни ташкиллаштириш, шахсий таркибни совуқдан асраш, қорли ёнбағирларда ҳаракатланиш усуллари, музликларга кўтарилиб тушиш сир-асрорлари ва тоғда жойлашиш бўйича амалий машғулотларни ўргатаяпмиз. Курсантлар билан амалий машғулот олиб боришимда кафедра офицерлари, айниқса, кичик сержант Толиб Ражабовнинг ёрдами катта бўлаяпти.

Кичик сержант Яллакаев намунали хизматлари учун бир қатор ютуқларни қўлга киритган. Жумладан, 2007 йилда тоғ тайёргарлиги йиғинидаги фаоллиги учун Мудофаа вазирининг, 2009 йилда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг «Эсдалик нишони» билан тақдирланди.

– Бу рағбат менга янада куч-ғайрат бағишлади, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Ҳарбий соҳада, мард ўғлонлар орасида фаолият юритаётганимдан фахрланаман. Ахир эр йигит учун Ватан тинчлигига, эл-юрт корига камарбаста бўлишдан ҳам ортиқ шараф бўлмаса керак, деб биламан. Бундан кейин ҳам жанговар шайликни ошириб, курсантларнинг соҳаларининг етук мутахассиси бўлиб етишишларига муносиб ҳисса қўшишга интиламиз.

Президентимизнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида таъкидланганидек бугун сержантлар корпусига улкан эътибор қаратилиб келинмоқда. Улар сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқиб, ўз мутахассисликлари ва соҳалари бўйича мукаммал билим ва тажрибага эга бўлишмоқда. Бунга лавҳамиз қаҳрамони кичик сержант Зокир Яллакаевнинг хизматларини кузатиб, яна бир бор амин бўлдик.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

Идет боевая учеба

ИСПЫТАНИЕ ВЫДЕРЖАЛИ

Упражнение учебных стрельб из автомата в преддверии принятия Военной присяги стало серьезным испытанием для солдат срочной службы, пополнивших ряды подразделения под командованием капитана Фарруха Слямбаева. Но молодые люди не подвели командира, выдержав его с честью.

Впервые вести огонь из боевого оружия уже само по себе непросто для юноши. А тут еще погода устроила парням дополнительный тест на выносливость и стойкость. С утра моросил нудный дождь, к началу стрельб перешедший в снег. В горной местности такие сюрпризы и весной бывают, поэтому стрельбы не отменялись.

Командир группы лейтенант Додохон Казаков старательно проводит инструктаж по мерам безопасности на учебных местах, чтобы на огневом рубеже солдаты не растерялись, действовали уверенно. И уже перед самым выходом на стрельбу капитан Ф. Слямбаев лично проверяет обмундирование каждого воина.

Сержанта Тухтасина Мадрахимова недаром считают одним из самых опытных военных профессионалов: снайпер прошел за годы службы два раза обучение в Школе подготовки сержантов военного округа. Вот и на этот раз умелый специалист привлечен к проведению учебных стрельб с военнослужащими срочной службы в качестве заместителя командира группы. Поэтому свой день рождения Тухтасину пришлось проводить на полигоне, в боевых условиях.


– В принципе, мне не привыкать к такому повороту дел, – говорит сержант. – Ведь я сам выбрал профессию защитника Родины. И для меня всегда приятно давать первые навыки меткой стрельбы этим юношам, вставшим в воинский строй.

К началу стрельбы огневой рубеж покрылся плотным слоем свежего снега, на который были постелены солдатские плащ-палатки. Вот изготавливается к стрельбе лежа рядовой Фаррух Маманов из Кашкадарьинской области. Он держится увереннее своих сверстников, ведь у него за плечами учеба в Каршинском филиале Ташкентского университета информационных технологий. Парень с высшим образованием твердо уверен: школа мужества в армии станет тем самым надежным фундаментом, на котором он будет строить свое будущее.

Среди тех, кто отличился на первых учебных стрельбах, командиры назвали рядовых Шерзода Отакулова, Бабура Мадаминова, Тухтамурада Абдурахимова. Вообще, если честно, в этот день никто не ушел с полигона огорченным. Ведь каждый из этих юношей успел понять, каким реальным содержанием наполнены слова из Военной присяги: «стойко переносить все тяготы и лишения воинской службы». Невзирая на дождь и снег, все они упорно трудились во имя повышения своего воинского мастерства, укрепили свой характер и волю к победе.

Действительно, в экстремальных условиях человек сразу концентрирует волю и нервы, его организм от этой эмоциональной встряски становится крепче и мобильнее. Наблюдая за тем, как стройно звучит стрекот автоматных очередей сквозь пелену снега, я проникался гордостью за наше молодое поколение, выросшее на идеях Независимости. Такие парни станут непреодолимой стеной на пути любого врага, смогут в любых испытаниях отстоять нашу свободную страну.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото **автора.**



ОИЛА ГУЛШАНИ

ЁРУҒ МАНЗИЛЛАР САРИ



Оилани уммондаги кемага қиёслаш мумкин. Бешафқат тўлқинлару довулларни енгиб, ёруғ манзил томон интилаётган кемага. Кема капитани уни бошқаришдан бир оз чалғидими ёки тўлқинли довонларга енгилдими, унинг манзили кутилмаган нурсиз гўша, ёхуд манзили йўқ уммон қаъри бўлиши мумкин. Бунинг учун кема соҳибидан ўзига хос бошқариш иқтидори, тажриба талаб этилади. Оила ҳам худди шундай. Нега деганда хонадон бошлиғи унда кечадиган ўзига хос қийинчиликларга қалқон бўлса, оила соҳибаси ички тартиб ва фарзандлар тарбиясига масъулдир.

Бугун Зоҳиджон ва Дилнозахонни мана шу уммон қийинчиликларини енгишга шай турган ўз кемалари – муҳаббат ришталари ила қурилган ширингина оилалари бор. Биз асосан жамият эътиборига эришган, эл назарига эга, халқона айтганда «туб қўйиб, палаг ёйган» оилалар ҳақида кўп сўз юритамиз. Тўғрироғи, намунали ҳарбий оилалар ҳақида сўз кетганда, мана шундай оилаларни бизга тавсия қилишади. Бу гал эса бу «анъана»га бир оз ўзгартириш киритилди. Яъни ҳарбий шаҳарчанинг ёш оилаларидан бири ҳақида мақола тайёрлашимизга тўғри келди. Бундан кўриниб турибдики, юзлаб хонадонлар истиқомат қилаётган ушбу гўшада улар ўрин топиб улгуришган.

Ҳарбий оилага ташриф буюрганимизда қувончли хабарнинг устидан чиқдик. Баҳорнинг илк нурафшон кунларида дунёга келган Шоҳижаҳон онажониси бағрида туғруқхонадан қайтган экан. Водийдан набирасини кўриш, ёш онага фарзанд ўстириш қонун-қоидаларини ўргатиш учун келган бувижониси Кароматхон ая унинг атрофида парвона. Дилнозахоннинг кўзлари эса оналик бахтидан чарақлаб турибди.

Келинг, суҳбатимиз шу хонадон ҳақида экан, уларнинг ҳаёт йўлига қисқача назар ташлаб ўтайлик. Наманганнинг Уйчи туманига қарашли Ғайрат қишлоғида вояга етган йигит Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини битириб, офицерлар сафида қад ростлади. Узоқда хизмат қилаётган ўғилларининг бошини икки қилиш, унинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлгувчи меҳрибон жуфти-ҳалолии бўлишини истаган Зокир ака ва Хайринисо опалар келин излашга тушиб кетишди. Бу ҳар бир ота-она олдида турган бурч ва албатта ширин орзулардан бири. Шундай қилиб, улар танлаган бўлажак келин Зоҳиджоннинг орзусидаги умр йўлдош бўлиб чиқди.

– Дилноза оғир-босиқлиги, оққўнгил ва сабрлилиги билан меҳримни қозонди, – дейди ёш оила соҳиби суҳбат давомида. – Оила қурганимизга ҳали бир йил бўлгани йўқ. Айтмоқчиманки, турмуш сабоқлари, қийинчиликлари ҳали олдинда. Аммо бир-биримизга бўлган ишонч, меҳр-муҳаббат ҳар қандай синовни биргаликда енгиб ўтишимизга замин яратади, деб ишонаман. Мана, баҳор айёми арафасида рафиқам менга фарзанд ҳадя этди. Бундай бахт ҳар бир отанинг орзуси. Шунингдек олдимизда ота-оналик бурчи, масъулияти бўй кўрсатиб турибди. Биз бу бахтга, ўзига хос бурчга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

Оила қувончи ва бахти ҳақида сўз кетар экан, бир оз тортиниб турган оила соҳибасини суҳбатга тортаман.

– Қиз бола келин бўлгач, янги оила, янги муҳитга мослашиши бир оз қийин кечади. Бундай пайтда у умр йўлдошига суянади, албатта, – фикрларини баён қила бошлади Дилнозахон. – Тўйимиздан сўнг, кўп фурсат ўтмай турмуш ўртоғимнинг хизмат бурчи сабаб, мана шу ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилаяпмиз. Мен ҳарбий ҳаётда яшашга руҳан тайёр бўлганлигим учун, ота-она, яқинларимиз биздан узоқда бўлишса-да, Зоҳид аканинг меҳрибон ва оилапарварлиги, қолаверса қўни-қўшниларимизнинг ўзаро иноқ ва оқибатлилиги сабаб бу жойларга тез кўникиб кетдим. Мана энди оиламизнинг янги аъзоси – ўғилчамиз бор. Кўп вақтимни унга сарфлашимга тўғри келади. Аёл киши учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Дилнозахон зиёли оила фарзанди. Ота-онаси Муҳаммадсоли ака ва Кароматхон опалар муаллим. Шубҳасизки, зиёли оила фарзандининг дунёқараши, тарбияси ҳам шунга мос бўлади. Яъни ҳаётга, шароитга тўғри ёндаша олади.

Биз катта лейтенант Зоҳиджон Исаков хонадони ҳақида қисқача сўз юритдик. Оила соҳиби таъкидлаб ўтганидек, ушбу хонадон келажаги ҳали олдинда. Умид қиламизки, бу ёш оила келгусида намунали ҳарбий оилалар сафидан муносиб жой эгаллайди. Ҳаёт уммонида фақат ёруғ манзиллар томон ҳаракат қилишади.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

«ЭНГ ЛАТОФАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ»

Кўзларимизни қувнатиб, баҳор бор ғўзаллигини намоён этмоқда. Бу фасл нафақат фусункорлиги, балки байрамларнинг кўплиги билан ҳам диққатга сазовор. Кўкламнинг ўзи каби хуш байрамлари нишонланаётган кунларда Миллий хавфсизлик хизмати тизимларида «Энг латофатли ҳарбий хизматчи» кўрик-танлови ўтказилди. Уч кун давом этган кўрик-танловнинг якуний босқичида кўплаб аёл-қизлар беллашдилар.

Шартларнинг бажарилиши асносида аёлларнинг қанчалар нозиктаъбликлари улар айтган шеърлар-у қўшиқларда яққол намоён бўлди. Тан олиш керак, пазандаликда аёлларимизга қойил қолмай иложимиз йўқ. Энг илғор ҳарбий хизматчи аёллар томонидан ўн беш дақиқа ичида тайёрланган, тўйимли ҳам мазали салатлар бунинг исботидир.

Яна бир шарт саф низоми талабларини билиш ва уларни тўғри бажаришга қаратилган эди. Мазкур шартни қўшинларда хизмат қиладиган аёллар қойиллатиб бажардилар. Бундан ташқари танлов қатнашчилари ижтимоий-сиёсий мавзулардаги саволларга ҳам зукколик билан жавоб қайтардилар.

Ғоят қизғин кечган баҳсларда Чегара қўшинлари вакили капитан Дина Турдалиева ғолиб деб топилди.

Динанинг турмуш ўртоғи ҳам ҳарбий. Уч нафар қизи бор. Мана, тўққиз йилдирки, у Ватан хизматида. Ўтган йиллар давомида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда эришган ютуқлари туфайли қўмондонлик томонидан бир неча бор рағбатлантирилди. Танлов сўнггида ғолибага 1-даражали Диплом ва пул мукофоти берилди.

Подполковник Муҳаммаджон МАТАЕВ.



БАҲОРГА ЎХШАЙДИ ЎЗБЕК АЁЛИ

Бодомнинг бошида оппоқ ёпинғич,
Жаннат ҳурларидек хушрўй, иболи,
Юртим боғларини гулга буркаган,
Баҳорга ўхшайди ўзбек аёли!

Ҳа, ўзбек аёлларини бежиз баҳорга қиёсламайдилар. Чунки унинг ўзига хос чиройига тан бермаган, меҳр тафти юрагидан жой олмаган инсоннинг ўзи йўқ. У қаерда, қайси вазифада хизмат қилмасин шарқона ҳаёсию ибосини асраган ҳолда баҳор каби гўзал ва латофатлидир.

Мана шундай аёллардан бири Гўзалхон Абдусаматова. Исми жисмига монанд лавҳамиз қаҳрамони айни дамда ҳарбий хонадоннинг ораста бекаси, севимли рафиқа, меҳрибон ва жонкуяр она, соҳаси бўйича малакали ҳарбий хизматчи. Менимча шу таърифнинг ўзи унинг қай даражада бахтли аёл эканлигидан далолат.

Гўзалхон мана саккиз йилдирки юрт посбонлари сафида. Дастлаб Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида фаолият бошлаган қаҳрамонимиз кўп ўтмай ҳарбий либос кийди.

– Ҳарбий бўлишимда турмуш ўртоғим Баҳром аканинг ўрни катта, – дейди суҳбатдошимиз шу ҳақда сўз кетар экан. – Аёл киши оила қурганидан кейин умр йўлдошининг меҳри, маслаҳати ва кўмагига муҳтож бўлади. Мен ўзимни бу борада энг бахтли аёлларданман, десам арзийди. Ҳозирда икки фарзандни тарбиялаш билан бирга алоқа бўлимида хизмат қиляпман. Касбим ўзимга жуда ёқади. Соҳам бўйича эришган ютуқларимда устозларим капитан Аслиддин Қаршиев, шартнома бўйича хизмат сержантлари Баҳодир Ибрагимов, Акром Халиловларнинг катта ҳиссаси бор. Улардан жуда миннатдорман. Мана, юртимизга баҳор байрами – гўзал Наврўзи олам кириб келди. Барча гўшада айёмга бағишланган тадбирлар, тўю тантаналар бўлиб ўтмоқда. Шу фурсатдан фойдаланиб юртимиз аҳлини, сафдошларимни Наврўз айёми билан қутлайман.

Аёл бахти ҳақида сўз кетганда, аввало, унинг оиласи кўз олдимизга келади. Аслида шартнома бўйича хизмат оддий аскари Гўзал Абдусаматова ва шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баҳромжон Абдусаматовлар Чинознинг битта маҳалласида вояга етишган. Уларнинг тақдирини бирлаштирган кўҳна ишқ синоатидир. Ҳаётда севги асири бўлганлар кўп. Бироқ мана шу ишқини покиза асраб, бир-бирига етишганлар, бу меҳру муҳаббатни ҳаётлари давомида ардоқлаганлар нисбатан камчиликни ташкил этади. Бизнинг қаҳрамонларимиз эса бу жиҳатдан омадли, десак арзийди.



Ўғил-қизларнинг бахти оиладаги муҳитга узвий боғлиқ эканлиги аниқ. Ота-онаси ўзаро аҳил, файзли хонадон фарзандлари бир-бирларига оқибатли бўлиб улғайиши билан бирга, юксак орзулар қанотида, Ватанга садоқатли, юрт корига камарбаста бўлишларига шубҳа йўқ. Ушбу оила келажаги – Анора ва Беҳзодлар ҳам мана шундай эзгу мақсад ила камол топаётган фарзандлардан. Ўн тўрт ёшни қаршилаётган хонадон маликаси шифокор бўлишни мақсад қилган бўлса, ўсмирликка қадам қўяётган кичик қаҳрамонимиз учун офицерлик энг юксак шараф. Орзулар рўёби эса интилишу ҳаракат билан, албатта.

Суҳбатимиз тугар-тугамас Гўзалхон хизматга шошилди. Ҳар қандай вазиятда зиммасидаги масъулиятни ҳис қилган инсон оилада ва жамиятда, яъни ҳаётда ўрин топаверади.

Зулфия НОСИРОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ЖАРАЁН

КАСБИ – ҚУТҚАРУВЧИ

Мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, шунингдек, фуқароларимиз муҳофазасини таъминлашдек муҳим ишларга эътибор қаратилаётгани бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилгач, орадан кўп ўтмай "Қутқарув хизмати" фаолият юрита бошлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кутилмаган воқеалар, бахтсиз ҳодисаларни бартараф этиб, фуқароларимиз оғирини енгил қилишда қутқарувчиларнинг хизматлари катта. Уларнинг фидойилиги, тезкорлиги, бурчига содиқлиги туфайли ҳар куни қанчадан-қанча одамларнинг ҳаёти сақлаб қолинади. Бугун ана шундай заҳматли ва шарафли ишга бел боғлаган, юрт корига камарбаста ўғлонлардан бири Рамз Алимхўжаев ҳақида сўз юритмоқчимиз.

У пойтахтнинг Бодомзор маҳалласида туғилган. Қаҳрамонимиз дастлаб машинасозлик касб-ҳунар коллежида, сўнгра Тошкент давлат аграр университетида таҳсил олади.

Олий ўқув юртини тамомлаш арафасида у қутқарувчилик касбига меҳр қўйди. Унинг бу қарорини оила аъзолари ҳам қўллаб-қувватлашди. Зотан, дунёда одамларни турли балою офатлардан қутқаришдек савобли иш бўлмаса керак. Буни яхши англаган Рамз ҳеч иккиланмай ниятини амалга оширди. Мана, олти йилдирки, у Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармасида фаолият юритиб келмоқда.

Ишни кўп тоифали қутқарувчи вазифасидан бошлаган қаҳрамонимиз уста қутқарувчи, йўриқчи-қутқарувчи даражасига етди. Айни пайтда у кимёгар-дегазаторчи вазифасида ишлаб келмоқда.

Шу вақт оралиғида не-не инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинишига сабабчи бўлмади, дейсиз. Хизмат фаолияти давомида у ҳимояга муҳтож, бошига ташвиш тушган, кутилмаган кўргиликдан саросимада қолган кўплаб инсонларга мадад қўлини чўзди, уларнинг миннатдорчиликларига сазовор бўлди. Ёш бўлишига қарамасдан, турли вазиятларда ўзини йўқотиб қўймади, оқилона қарор чиқариб, бу каби ҳолатларни бартараф этишни ўрганди.

Қаҳрамонимизнинг таъкидлашича, фуқароларнинг энг кўп "чақирув" лари қуйидаги кўринишларда бўларкан: уй бекалари томонидан газ ёки электр плитаси ёқилган ҳолда қолдирилиши, хонадон калитининг йўқотиб қўйилиши, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида инсонларнинг шикастланган машиналар ичида қолиб кетиши, эҳтиётсизлик ёки техник носозлик сабаб кўп қаватли уйлардаги лифтларда қамалиб қолиш, кекса кишиларнинг оғир хасталик оқибатида уйида ёлғиз қолиб кетиши...

Қутқарувчидан энг аввало ана шу каби турли кўринишдаги қалтис вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, жабрланувчиларга тез ёрдам кўрсата билиш талаб этилади. Чунки озгина сусткашлик ёки эътиборсизлик кимнингдир ҳаётига якун ясаши ҳеч гап эмас. Шунингдек, бу касб эгаси ўта чаққон, довюрак ва фидойи бўлмоғи, халқ, Ватан манфаатини ҳар нарсадан устун қўймоғи жоиз. Республика қутқарувчилар мусобақаларининг иштирокчиси ва совриндори, тажрибали қутқарувчи Рамз Алимхўжаевда бундай хислатлар ўзининг тажассумини топган.

Азамат СУЮНОВ.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА

Фавқулодда вазиятлар вазирлигида «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда вазирлик раҳбарияти, алоқадор муассасалар ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Президентимизнинг «Тошқин, сел, қор кўчишлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Тошқин, сел ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари орқали аҳолининг бу борадаги билим ва тушунчаларини бойитиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбир савол-жавобларга бой тарзда бўлиб ўтди.

Анжуманда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳолини турли кўринишдаги (техноген, табиий, экологик) фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш, уларни эҳтимоли мавжуд бўлган хавф-хатарлардан ўз вақтида огоҳлантириш, мониторинг ва кузатув ишларини ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботи тингланди.

– Сўнгги йилларда аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашда қатор ижобий натижаларга эришдик. Буни кўрсаткичлар ҳам тасдиқлаб турибди. Масалан, ўтган йилнинг шу давригача бошқармаларимиз томонидан 116 та фавқулодда вазият рўйхатга олинган бўлса, бу йилги кўрсаткич 56 тани ташкил этади. Энг муҳими, фавқулодда вазиятларнинг ҳеч бири мамлакатимиз иқтисодиётига катта зарар келтирмади. Бу эса соҳада олиб борилаётган янгиланишлар ва изчил ислоҳотларнинг самарасидан, – дейди Фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари полковник Т. Турагалов.

Жамшид СОБИРҚУЛОВ.

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

АСАЛАРИЧИЛИК РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини янада кўпайтириш мақсадида балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик ва асаларичиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда асал ва асал маҳсулотлари етиштириш учун етарли шароит ва имконият яратилган. Соҳани янада тараққий эттиришда 2009 йилда қабул қилинган 2009–2011 йилларда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури муҳим омил бўлаётир.

Пойтахтимизда мазкур дастурда белгилаб берилган устувор вазифаларга бағишланган кўргазмали семинар ҳам айни шу мақсадда ташкил этилди.

Ҳозир республикамиздаги тўрт мингга яқин асаларичи томонидан ҳар йили бир ярим минг тонна асал тайёрланмоқда. Етиштирилаётган маҳсулотнинг асосий қисми Навоий, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Фарғона, Наманган вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон организми учун фойдали микроэлементларнинг 70 фоиздан ортиғи айнан асалда мавжуд бўлиб, ундан тайёрланган маҳсулотлар инсон саломатлиги учун жуда фойдалидир.

Дастурда соҳани янада юксалтиришнинг илмий асосларини яратиш, кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, маҳсулот экспорти ҳажмини кўпайтириш, мутахассислар тайёрлаш, малакасини ошириш ва рақобатбардош технологиялар яратиш борасидаги вазифалар белгиланган. Келгусида янги хўжаликлар ташкил этиш ҳисобидан асал етиштиришни икки минг тоннага етказиш ва мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда. Бу эса халқимиз дастурхонида минг бир дардга даво ушбу неъматнинг янада мўл бўлишини таъминлайди.

Асаларичиларни ўз вақтида эмлаш, хўжаликларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинларини дорилаш жараёнида белгиланган хавфсизлик чораларига риоя этиш борасидаги тавсиялар ишлаб чиқилди.

Кўргазмали семинарда асаларичилик хўжаликлари учун саноат корхоналарида маҳаллийлаштириш асосида тайёрланган зарур жиҳозлар намойиш этилди.

ПИЛЛАКОРЛАР ИШГА КИРИШДИ

Она диёримиз пилла етиштириш бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторида туради. Юртимиз пиллакорлари бу йил мўл ва сара ҳосилни кўзлаб ишга киришдилар. Пилла хомашёси етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини янада яхшилаш заршуносларимизнинг бош мақсади.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда 448 минг қути ипак қурти парваришланиб, 23,7 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси тайёрланади.

Пиллакорларга ипак қурти уруғининг иқлим шароитимизга мослаштирилган навлари билан бир қаторда "Ипакчи-1", "Ипакчи-2", "Ўзбекистон-5", "Ўзбекистон-6" каби маҳаллий серҳосил навлари ҳам тарқатилади. Мавсумга етарлича ипак қурти уруғи ҳозирланди. Уруғларни жонлантирадиган тўрт минг тўрт юзта инкубатор қайта таъмирланиб, жиҳозланди.

Мавсумда ипак қурти озуқаси – барг танқислигининг олдини олиш мақсадида мавжуд 77 миллион якка тут қатори ва 55 минг гектар тутзорда баҳорги юмушлар жадал давом этаётир. Тутзорларнинг 70 фоизи маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Ширкат хўжаликларидаги тутзорлар фермерлар ихтиёрига берилгач, ипак қуртининг озуқа базасини мустаҳкамлашга эътибор янада кучайди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қарийб олти минг гектар майдонда янги тутзор ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача салкам икки минг гектар майдонда ниҳол экиш ишлари якунланди. Шунингдек, ариқлар атрофига етти миллион тупдан ортиқ тут кўчатлари ўтқазилди.

Соҳадаги яна бир муҳим тадбир – пиллакорлар билан шартнома тузишдир. Ҳозир фермер хўжаликлари, пилла етиштирувчилар ҳамда пилла қабул қилиш корхоналари ўртасида олинажак ҳосил бўйича тегишли шартномалар тузиб бўлинди. Ипак қурти боқувчилар барча зарурий ашёлар билан таъминланди. Уларнинг тажрибасини ошириш мақсадида ўқув машғулотлари ўтказилаётир.

Мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди – Сурхондарё воҳасига 11 минг қутидан кўпроқ пилла уруғи келтирилиб, жонлантириш учун инкубаторларга қўйилди. Март ойининг охирида Сурхондарёда пилла парвариши бошланади.

ЎзА.

ЯПОН СОФОРАСИ ЎЗБЕК ЗАМИНИДА



Мамлакатимизда мевали ва манзарали дарахт турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мингтақамиз шароитини ҳисобга олиб, манзарали боғдорчиликни ривожлантириш, кўчат етиштиришни районлаштириш кенг йўлга қўйилгани яхши самара бераётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг япон софораси ва каштан кўчатларини экишни кўпайтириш чора-тадбирларига оид қарори атроф - муҳит мусаффолигига ижобий таъсири катта ҳисобланган мазкур дарахтларнинг юртимизда кўпайишида муҳим омил бўлаётир. Шу кунгача 135 гектар майдонда ушбу дарахт кўчатларини кўпайтириш йўлга қўйилди. Айни вақтда кўчатхоналарда 2,4 миллион дона япон софораси ва 411 минг дона каштан ниҳоли парваришланмоқда.

Баҳорги экиш мавсумида юртимиз ҳудудларини янада ободонлаштириш мақсадида шаҳар ва қишлоқларда қарийб бир ярим миллион дона ана шундай кўчатлар экилди.

Япон софораси ва каштан кўчатларини етказиб бериш борасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига қарашли «Ободон глобал сервис» корхонасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

– Илгари ноёб манзарали дарахт кўчатларининг аксарият қисми чет элдан олиб келинар эди, – дейди «Ободон глобал сервис» корхонаси директори Нурали Қўзибоев. – Ҳозир Тянь-Шань арчаси, зангори арча, жўка, пирамидасимон дуб, оқ қайин, пальма, ботқоқ сарвиси, япон софораси каби ноёб дарахт турларини тупроқ-иқлим шароитимизга мослаштириш бўйича кенг изланишлар олиб борилаётир. Жумладан, уларни маҳаллий шароитда уруғи ва қаламчаси орқали кўпайтириш йўлга қўйилди.

Япон софораси – шифобахш, чиройли ва ёғочбоплиги билан ном қозонган. Ботқоқ сарвиси эса нафақат чиройли, балки сersув жойларга, кўл ва дарё қирғоқларига экилса, ерни эрозия ҳамда ювилишдан сақлайди. Қрим қарағайи, эман ҳамда француз теракларининг афзаллиги эса тез ўсиши ва ёғочбоплигидадир.

«Ободон глобал сервис» корхонасида эллик турдаги кўп йиллик ноёб манзарали дарахт ва буталар етиштирилмоқда. Корхона ўтган йили аҳолига 53 минг дона кўчат етиштириб берган бўлса, жорий мавсумда 60 минг дона кўчат тайёрланди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

ЭЗГУЛИК

СУМАЛАКЛИ НАВРЎЗЛАРИНГ БОР БЎЛСИН

Марказий офицерлар саройи боғида баҳорнинг ўзи каби энг гўзал байрам – Наврўзи оламга бағишлаб «Сумалак» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда пойтахтдаги 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари меҳмон сифатида иштирок этдилар. Байрам тадбирига Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг чиқиши алоҳида файз бағишлади.

Яшариш айёмини сумалак базмисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу базмда кўнгилларни яхшиликка чорловчи руҳ ҳукмрондек. Айниқса, уни тайёрлашда тозалик, покликка қаттиқ риоя қилиниши, энг эзгу тилаклар тилаш... Дарвоқе, эзгу тилаклар – унинг энг самимий, беғубори болалар қалбидан чиқадиганидир.

Боғ ҳовлисида сумалак қайнаётган дошқозон бошига келиб, тилакларини айтиб, қозон ковлашга болаларда ҳам иштиёқ кучлилиги уларнинг хатти-ҳаракатларида ҳам акс этиб турарди.

Эзгу тилак... Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан Зуҳранинг сўзларига бир эътибор беринг-а:

– Юртимиз тинч бўлишини, унда меҳрибонлик уйлари бўлмаслигини, ҳамма боланинг ота-онаси бўлишини тиладим. Ўзим яхши оиланинг яхши келини бўлишни, фарзандларим кўп бўлишини, ҳеч кимнинг қийналмай яшашини тиладим.

Луиза:

– Меҳрибонлик уйимиздан фақат яхши одамлар чиқишини, менинг ҳам яхши оилам бўлишини тиладим.

Жаҳонгир Маматқулов ҳарбийлашган спорт синфининг тарбияланувчиси:

– Мен халқимга, юртимга керакли инсон бўлишни истайман. Яна энг катта тилагим онам ҳеч қачон касал бўлмасинлар, акам билан менинг бахтимга доим соғ бўлсинлар.

Маълумки, Марказий офицерлар саройида турли-туман тўгараклар иш олиб боради. Шулардан бири бичиш-тикиш тўгарагидир. Бу ерда ҳунар ўрганаётган қизлар байрам арафасида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини хурсанд қилиш мақсадида турли юмшоқ ўйинчоқлар тикиб тайёрладилар. Болаларга ҳадя қилинган бу ўйинчоқлар уларни беҳад хурсанд қилди. Кичкинтойлар ўз миннатдорчиликларини жўровоз бўлиб билдирдилар.

– Миллатимизнинг энг яхши анъаналари Наврўз байрамида бор жозибаси билан намоён бўлади, – дейди Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи офицер Икром Ҳикматов. – Улуғ шоиримиз айтганидек, кўнгли ўксик инсон кўнглини шод этиш, вайрон бўлган Каъбани обод этиш билан баробар экан. Болажонлар юз-кўзидаги қувонч хизматимиз бесамар кетмаганини билдириб турибди. Биз бундан мамнунмиз.

Инобат ЗАКАРИЁЕВА.



ДЕЛЯСЬ ТЕПЛОМ СЕРДЕЦ

В дни всенародного праздника Навруз офицеры и курсанты Ташкентского ВОКУ посетили учащихся дома Мехрибонлик № 22 имени Хлебушкиной города Ташкента. Особое внимание гостей было приковано к учащимся специализированного класса, одетым в камуфлированное обмундирование. Ведь с этого года Ташкентское высшее общевойсковое командное училище официально взяло над ними шефство.

Встреча началась с исполнения Государственного гимна Республики Узбекистан военным оркестром училища. Перед собравшимися в актовом зале – преподавателями, воспитанниками, курсантами и офицерами выступили заместитель Министра обороны по воспитательной работе полковник Т. Хамракулов, начальник ТВОКУ полковник М. Байбусов, заместитель начальника ТВОКУ по воспитательной работе подполковник Б. Баратов, курсанты Х. Матниезов и И. Филиппов.

Они поздравили детей и воспитателей дома-интерната с наступающим праздником, заверили, что с этого дня не только учащиеся специализированного класса, но и другие воспитанники приобрели в лице коллектива ТВОКУ новых друзей и наставников.

Следует отметить, что учащиеся военно-спортивных классов уже более трех лет посещают ТВОКУ и проводят занятия на базе кафедр училища с участием лучших преподавателей и курсантов. Но настало время активного взаимодействия в деле патриотического воспитания молодого поколения и оказания целевой помощи воспитанникам. Сегодня основной задачей Ташкентского ВОКУ является конкретная помощь учащимся специализированного класса, совершенствование его учебно-материальной базы, социально-бытовых условий, а также военно-патриотического и спортивного воспитания.

Затем под бодрую мелодию военного оркестра состоялось торжественное вручение праздничных подарков. Преподавателям были вручены букеты цветов, а детям – спортивная обувь, мячи, школьные принадлежности и многое другое, что должно помочь воспитанникам вырасти здоровыми, закаленными физически, стать умными и разносторонне развитыми юношами. Что поможет при желании и настойчивости поступить в ряды ТВОКУ, стать в ряды офицерского корпуса Республики Узбекистан.

Как рассказал руководитель военно-спортивных классов Актам Рахманов, сегодня воспитанники из всех районов республики прибыли в Ташкент, чтобы учиться в специализированных классах. Каждый из них искренне желает освоить военное дело, стать высокопрофессиональным защитником независимого Узбекистана.

Мероприятие, к большой радости детей, завершилось праздничным концертом военного оркестра ТВОКУ.

– Словно в родном доме побывал, увидел родные лица, – сказал курсант Игорь Филиппов, воспитанник детского дома, ныне обучающийся на третьем курсе ТВОКУ. – По себе знаю, какое это счастье, когда в гости приходят военные шефы. В нашем училище отлично учится немало детей-сирот, которые обрели свою цель в жизни – стать умелыми защитниками Родины.

Владимир КАЛОШИН.

ҚАЛБЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Наврўз – Шарқда азал-азалдан янгиланиш, яшариш, гўзаллик ва нафосат айёми сифатида улуғлаб келинган. Бу кунда, беморлар, етим-есирлар, кўнгли ўксик кишилар ҳолидан хабар олинган, баҳорий тансиқ таомлар билан сийланган.

Ҳарбийлар ҳам доимий равишда бу каби савобли ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келишади. Масалан, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижодкорлари байрамлар ва дам олиш кунларида меҳрибонлик уйлари, мактабгача таълим муассасалари, сиҳатгоҳлар, қариялар уйларида бўлиб, ўзларининг чиқишлари билан инсонлар кўнглига бир олам қувонч, кўтаринки кайфият улашиб келади.

Куни кеча ансамбль жамоаси Наврўз умумхалқ байрами тадбирлари доирасида пойтахтимиздаги 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ўзларининг концерт дастурларини тақдим этишди. Айниқса, она Ватанни улуғловчи, мард посбонларни мадҳ этгувчи қўшиқлар йиғилганлар томонидан жўр овозда ижро этилди.

– Бугунги байрам менга жуда ёқди, – дейди 13 ёшли Улуғбек Ботиров. – Биз тарбияланаётган меҳрибонлик уйида бу каби концертлар, томошалар тез-тез ўтказиб турилади. Бугун санъаткорлар томонидан куйланган қўшиқлар орқали Ватан қадри улуғлигини, уни қўриқлаш шарафли вазифа эканини янада чуқур англадим. Катта бўлсам, ҳарбий бўлишни ният қилганман.

– Давлатимизнинг бизга кўрсатаётган эътибори, юксак ғамхўрлигини ҳар қадамда ҳис қилиб турамиз, – дейди Меҳрибонлик уйида ташкил этилган ҳарбийлар синфи тарбияланувчиси Достон Алматов. – Бу эса бизни яхши ўқиб, келажакда юртимизга фойдамиз тегадиган инсонлар бўлиб улғайишга ундайди. Келгусида ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейига ўқишга кимоқчиман. Ҳарбий касб эгаси бўлиш, Ватаним-нинг мард ва жасур посбонлари сафидан жой олиш энг катта орзуимдир.

– Халқимизнинг мурувватли, тантилиги ҳақида кўп гапириш мумкин, – дейди меҳрибонлик уйи директори Г. Субҳонова. – Юртдошларимиз қўлларидан келганча бизга ёрдам бериб, тарбияланувчиларимизнинг ўксик қалбларига малҳам бўлиб келишади. Айниқса, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижодкорлари ўзларининг байрамона туҳфалари билан бизни тез-тез йўқлаб турадилар. Бунинг учун улардан, Мудофаа вазирлигидан ниҳоятда миннатдормиз. Умид қиламанки, бугунгидек тадбирлар орқали тарбияланувчиларимиз онгида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари янада шаклланади. Келгусида уларнинг ичидан ҳам забардаст, довюрак посбонлар етишиб чиқади.

Жамшид АРСЛОНОВ.
Муаллиф суратга олган.

НАНОТЕХНОЛОГИЯ

КАРИЕСДАН ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Тиш юзасидаги майда нотекисликларни бартараф этиб, тиш тўқималари чиришининг олдини олиш мумкин. Кларксон университети истиқболли материалларни тадқиқ қилиш марказининг физика ва биомолекуляр кимё профессори И. Соколов ва мазкур университет битирувчиси Р. Гейквад кремний диоксиди нанозаррачалари ёрдамида ўта юпқа даражада сайқаллаш йўли билан тишларни кариесдан ҳимоя қилишнинг янги услубини ишлаб чиқишди (кремний оксиди – юқори даражада қаттиқлик ва мустаҳкамликка эга бўлган рангсиз кристаллар).

Олимлар сайқаллаш учун моҳияти жиҳатидан ярим ўтказгичлар ишлаб чиқариш саноатида фойдаланилаётган технологияга (кимёвий-механик сайқал бериш) яқин бўлган усулдан фойдаланишган. Бундай ишлов бир неча нанометрдан ортиқ ўлчамдаги барча нотекисликларни бартараф этиб, тиш юзасини идеал равишда текислаш имконини беради.

Олимлар сайқал бериш натижасида тиш юзаси тиш эмали емирилиши сабабчиси бўлган касаллик келтириб чиқарувчи бактериялар учун ҳаддан ташқари «сирғанчиқ» бўлиб қолишини кўрсатиб бердилар.

Кремний диоксиди заррачаларидан аввал ҳам тишларни сайқаллаш учун фойдаланилганига қарамай, наноўлчамдаги заррачалардан фойдаланиш бўйича натижалар шу вақтгача маълум эмас эди.

ВОЗВРАЩЕНИЕ ЗДОРОВЬЯ КОЖЕ



Международный коллектив ученых компании NewAge разработал принципиально новый метод доставки активных веществ в нужные слои кожи. Его суть заключается в том, что биологически активные вещества помещаются в специальные контейнеры – наносомы, а различные наносомы, содержащие микроэлементы и витамины, объединяются в специальные системы – нанокомплексы. В нанокомплексы, созданные NewAge, входят десятки необходимых коже ингредиентов, взятых в наноколичествах. Благодаря измельчению до размера нано (один нанометр – это одна миллионная доля миллиметра или одна миллиардная часть метра!) активные вещества легче взаимодействуют с клетками. Клетки воспринимают их как естественные, родственные компоненты. Таким образом, активные вещества столь же активно участвуют в процессе обновления клеток самых глубоких слоев, они не только возвращают коже здоровый вид, но наполняют ее силой и энергией. Кожа запускает естественные процессы регенерации, восстанавливает собственную структуру, усиливает свои защитные способности и повышает жизнеспособность.

Кроме нанокомплексов в NewAge используют и проверенные самой природой активные вещества. Это различные экстракты растений – давно известные и хорошо зарекомендовавшие себя как омолаживающие средства. Такое всестороннее воздействие косметики рассчитано на продолжительный эффект. В процессе использования нанокосметики NewAge в течение месяца-полутора состояние кожи значительно улучшается и достигнутые результаты после проведенного курса лечения сохраняются более полугода.

Франциянинг автомобиль покришкалари ишлаб чиқарадиган дунёга машҳур «Michelin» компанияси каучук тайёрловчи «Bibendum» фирмаси билан ҳамкорликда пойабзал учун тагчарм яратишга қарор қилган. Бу ҳақда «Autoblog» сайти орқали хабар тарқатилган.

«Michelin» мутахассисларнинг фикрига кўра, автомобилларга покришка тайёрлашда турли автопойгалар асқотган. Теннисчи ҳам бирданига тўхтаб қолиши, бурилиши билан пойга автомобилига ўхшаш ҳаракат қилади. Бунда автомобиль покришкаси ҳам, теннисчи пойабзали тагчарми ҳам бир хил вазифани – йўлга таяниш вазифасини бажаради. Шунинг учун теннис кроссовкалари тайёрлашда покришка ишлаб чиқаришдаги технология қўлланилади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



2009 йилда савдо ҳажмлари пасаяди



Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) тахминига кўра, 2009 йилда дунё бўйича савдо ҳажми 9 фоизга пасаяди, бу эса иккинчи жаҳон урушидан буён энг катта қисқариш бўлади, деб хабар қилади «ВВС рус хизмати». БСТ фикрича, улкан иқтисодий инқироз ривожланган мамлакатлар савдосига кучли зарба беради ва натижада улар ўз савдо айланмасининг 10 фоизини йўқотадилар. Унча бой бўлмаган давлатларда эса, тахминларга кўра, савдо ҳажмлари 2–3 фоизга қисқаради.

В токийском аэропорту возобновились полеты



В токийском международном аэропорту Нарита полностью восстановлена взлетно-посадочная полоса А, на которой при посадке разбился и сгорел грузовой самолет американской компании Federal Express (FedEx). На устранение повреждений, возникших на основной ВВП длиной около четырех тысяч метров, ушло около суток, сейчас администрация аэропорта объявила о возобновлении полетов в полном объеме, передает ИТАР–ТАСС.

Собиқ президентга айбловлар эълон қилинди



Аргентинанинг собиқ президенти Карлос Менемга (1989–1999 й.) у ҳокимият тепасида бўлган хусусийлаштириш даврида ноқонуний бойлик орттиргани ҳақидаги айбловлар қўйилди.

Аргентина адлияси собиқ давлат раҳбарининг 54 млн. доллар миқдоридаги мол-мулкини рўйхатга олди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС.

Карлос Менем электрон асбоб-ускуналарга ихтисослашган «Таль» компаниясининг (Франция) маҳаллий филиалига Аргентинада радиочастота спектридан фойдаланишни тартибга солиш борасидаги контракт (шартнома)ни бергани учун кўп миллионли пора олганликда ҳамда қурол-яроғ контрабандаси бўйича айбланмоқда.

За контрабанду шимпанзе – в тюрьму



Впервые в истории Республики Конго, а возможно, и всей Африки, за незаконный отлов и контрабанду шимпанзе браконьер приговорен к одному году тюремного заключения и штрафу в 1,5 тысячи евро, передает ИТАР–ТАСС.

Браконьер был задержан экологическим спецотрядом конголезской полиции в тот момент, когда заключалась сделка о продаже шимпанзе контрабандистам.

Hummer H2 Араб амирликларида сотилади



Американинг Geheral Motors концерни Бирлашган Араб амирликлари бозорида сотиш учун Hummer H2 Limited Black Chrome Edition автомобилининг алоҳида намунасини тақдим этди. Мазкур автомобиль чекланган миқдорда, яъни фақат 1300 дона ишлаб чиқарилган, деб хабар беради Carscoop.

Уларнинг ҳар бири қора хром билан қопланган 20 дюймли ғилдирак дисклари, радиатор панжараси, капот сурилмаси, ушлагичлар, ёқилғи баки қопқоғи, ойнанинг устки қисми, логотиплар ва захира ғилдираги учун қоплама (чехол)га эга.

В Санкт-Петербурге обнаружено уникальное собрание



Новыми фактами обогатили творческую биографию Иоганна Себастьяна Баха находки, сделанные в Российской национальной библиотеке (РНБ) в Петербурге. Доктор искусствоведения Татьяна Шабалина обнаружила уникальное собрание текстов к баховским кантатам и пассионам, сообщает ИТАР–ТАСС.

Эти материалы позволили по-новому взглянуть на лейпцигский период жизни великого композитора, который родился 21 марта 1685 года.

(www.NEWSru.com).

ИСЛОҲОТ

ШАКЛЛАНИШ ҚИРРАЛАРИ

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Бугун ишонч билан шуни таъкидлашимиз мумкинки, мамлакатимизда жорий этилган сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат тизими ўзини тамоман оқламоқда. Унинг сафларида ёшларимиз бошланғич ҳарбий тайёргарликни эгаллаб, чиниқишмоқда. Қуйида ойлик йиғин ўтиладиган СЧР батальони ҳақида ҳикоя қиламиз.

Ушбу ҳарбий қисм ўтган йили мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кун арафасида тантанали очилди. Ўз фаолиятини давр талабларига тўла жавоб берадиган янги ўқув биноларида бошлади. Кенг ва ёруғ, шинам ётоқхоналар, машғулот заллари, кутубхона, замонавий тренажёрлар – буларнинг барчаси сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ойлик йиғинини ўтаётган фуқаролар учун.

Бу ерда ёшларнинг бошланғич ҳарбий тайёргарликни пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шуниси эътиборлики, мазкур жамоада хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг уй-жой таъминотига эътибор юксак. Бундай қулайликлардан фойдаланаётган посбонлар фаолиятида юқори унум, ютуқлар янада кўпайиши шубҳасиз. Мазкур жамоа фаолиятининг ҳар томонлама мақтовга сазовор бўлаётгани ҳам бир жиҳатдан шунга боғлиқдир.

БУ–БИЗНИНГ ИМКОНИЯТ

Бугунги кунда профессионал асосда шаклланган миллий армиямизда хизмат қилиш мамлакатимиз ёшлари учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Бундан сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳам мустасно эмас. Мазкур хизмат тури ёшларимиз учун катта имкониятдир. Келинг, яхшиси бу ҳақда уларнинг ўзларидан эшитамиз.

Собиржон Содиқов Қорақалпоғистон Давлат университетининг юридика факультетини тамомлаган. Иш фаолиятини судлар департаменти Хоразм вилояти бошқармасида бошлаган.

– Ватан олдидаги фарзандлик бурчингни ўтамай, бошланган ҳар қандай масъулиятли вазифа бироз кемтик бўлиб қолса керак, деб ўйлайман, – дейди фуқаро Собиржон Содиқов биз билан суҳбатда. – Назаримда йиллар жуда тез ўтиб кетгандек. Университетда таҳсил йиллари, фарзандларимнинг туғилиши... Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат мен учун айни муддао бўлди. Хизматнинг бу тури мен каби ёшлар учун анчагина қулай. Ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишлаш менинг энг катта орзуим эди. Севимли касбимда иш бошлаганимга кўп вақт бўлгани йўқ. Қувонарлиси, севимли касбимдан узоқлашиб кетмасдан йигитлик бурчимни ҳам ёруғ юз билан ўташдир.

Дилшод Раҳимов оилада энг катта фарзанд. Тўнғич фарзандининг оилада ўзига яраша масъулияти борлигини яхши биламиз. Дилшод болалигидан ота-онасига кўмакчи бўлиб улғайди. Унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Маҳаллада уни яхшигина ҳунарманд сифатида ҳурмат қилишади. Унчалик катта бўлмаган устахонаси ҳам бор. Бу орада йигитлик бурчини ўташ фурсати ҳам келган эди. У ҳам тенгдошлари қаторида белгиланган синовлардан ўта бошлади. Маълумки, бугунги кунда ҳар бир чақирилувчи ҳар томонлама синчиклаб ўрганилади. Ана шу жараёнда Дилшоднинг оилавий шароити муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун тўғри келмаслиги маълум бўлди. Аммо яна бир имконият ҳам бор. Бу – сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат.

Ҳа, хизматнинг бу тури Дилшод каби ёшлар учун яхши имконият бўлмоқда. Ойлик йиғин ҳақида у қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ойлик йиғинни намунали тарзда ўташимиз учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари жуда қизиқарли ўтади. Машғулот хоналари энг замонавий кўргазмали ва техника воситалари билан жиҳозланган.

– Ойлик йиғинни ўтаётган фуқаролар орасида билимдонлиги, дунёқараши кенглиги билан сафдошларига ўрнак бўлаётганлар талайгина, – дейди офицер Тоҳир Калонов. – Дилшод Раҳимов ҳам ана шундай иқтидорли йигитлардан бири. Умуман бу ерда йиғинни ўтаётган фуқароларнинг ҳаммаларида ҳарб илмини эгаллаш иштиёқи кучли. Бу эса офицер ва кичик командирлардан малакасини тинимсиз оширишни талаб этади. Ўз бурчини фидокорона ўтаётган, хизмат масъулиятини теран англайдиган ҳарбий хизматчилар жамоамизнинг ҳамиша биринчилар сафида бўлишини таъминлайди.

– Мен Тошкент Фармацевтика институтини тамомлаганман, – дейди Баҳром Қиличев. – Олий ўқув юртидаги таҳсилдан сўнг хусусий фирмада ишлай бошладим. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни биз каби ёшларга берилган катта имконият, деб биламан. Бу ерда ҳар бир кун ўзига хос унутилмас лаҳзаларга бой, сермазмун ўтади. Айниқса, спортга катта эътибор берилган. Спортнинг кўплаб тури билан шуғулланиш имкони бор. Бунинг учун катта спорт зали мавжуд. Турли мусобақаларда барчамиз зўр иштиёқ билан иштирок этамиз. Бу ердаги хизмат шубҳасиз ҳаётимнинг энг унутилмас кунларига айланиб қолади.

ОРАСТАЛИК, МАҲОРАТ УЙҒУНЛИГИ

Ҳар қандай чиройли, дид билан қурилган иншоот ҳам инсон эътибори билан янада кўркамлашади. Бундан ҳарбий қисм ошхонаси ҳам мустасно эмас. Бу ерда даставвал сизнинг эътиборингизни тортадиган нарса, бу – озодалик, орасталикдир. Ошхона шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Бекзод Ҳосилов назорати остида.

– Ошхона барча керакли маиший техника воситалари билан жиҳозланган, – дейди кичик командир. – Биринчи галда хизматчилардан тозаликка қатъий риоя этишлари талаб этилади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг белгиланган талаб даражасида сақланишига жиддий эътибор қаратамиз. Ошпаз Инобат Сапаева тайёрлаган мазали таомлардан барча мамнун. Бу ерда асосан хотин-қизлар хизмат кўрсатишади. Чаққон, хушмуомала хизматчилар Орзигул Ҳайитбоева, Барно Бакиева, Навбаҳор Ваисова, Умида Матюсупова, Ҳолида Аҳмедоваларни ошхонамизнинг ҳақиқий жонкуярлари десак арзийди. Жамоанинг ана шундай фидойилари сабабли хизматимиздан ҳамма хурсанд. Кўркам ошхонанинг хизмат кўрсатиши ҳам ўзига яраша юксак савияда бўлиши керак.

ТИББИЁТ ПУНКТИДА

Мазкур ҳарбий қисмнинг тиббиёт пунктига ҳатто туман поликлиникалари ҳам ҳавас қилса арзийди. Энг замонавий тиббиёт воситалари, асбобускуналари билан жиҳозланганлиги дарҳол эътиборни тортади. Давр талабларига мос қурилган шифо масканида етарли шарт-шароитлар яратилган. Тиббиёт пунктига катта лейтенант Ҳамидулло Содиқов етакчилик қилади. Бу ерда ўз касбининг ҳақиқий фидойилари меҳнат қилишади. Шифокор Бекпошшо Рўзибаева йигирма йиллик иш тажрибасига эга. У кўп йиллик меҳнат фаолиятида илк бор ҳарбий хизматчилар билан ишламоқда.

– Қатъий тартиб-интизом кундалик қилинадиган ишларимизга ижобий таъсир кўрсатади, – дейди у биз билан суҳбатда. – Жамоамиз аҳил, ҳамма ўз ишини мукаммал билади. Эндигина иш бошлаган ёшларга ҳам барчамиз ўз тажрибаларимиздан келиб чиққан ҳолда йўл-йўриқлар кўрсатамиз. Тиббиёт пунктимизда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш хонасидан ташқари дорихона, физиотерапия хонаси, беморлар учун палаталар мавжуд. Ҳарбий хизматчилардан ташқари белгиланган кунларда ҳарбий шаҳарча аҳолисига ҳам хизмат кўрсатамиз.

Беморни шифокорнинг ширин сўзи ҳам даволайди, деган гап бор. Мен ўз фаолиятимда бунга кўп бора гувоҳ бўлганман. Бу ерда ҳам шунга амал қиладилар. Айниқса, чаққон ва билимдон ҳамшира Замира Леписова бу борада барчага ўрнак. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, жамоамиз посбонлар саломатлигини сақлаш йўлида чин кўнгилдан хизмат қилиб келмоқдалар.

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Ҳарбий қисмда давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ҳам намунали тарзда йўлга қўйилган. Таълим масканлари билан ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам ижобий аҳамият касб этмоқда. Шаҳарчада истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг иш билан таъминланишларида ҳам бу қўл келмоқда. Бу ерда режа асосида тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади. Ана шундай тантаналардан бири Ҳарбий қасамёд қабул қилиш кунидир. Бундай кунда кенг жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этадилар. Туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими ҳар гал илғорлар учун эсдалик совғаларини тайёрлаб келади. Бундан ташқари туман оқсоқоллар кенгаши «Маҳалла» жамғармаси ҳам ҳамкорлик тадбирларида фаол иштирок этадилар.

– Катта авлоднинг ёшлар учун ҳамиша айтар сўзи бўлади, – дейди жамғарма раиси Қадамбой Матсафоев. – Миллат маънавиятини юксалтириш орқали салоҳиятимизни янада кучайтириш устувор вазифалардан бири саналади. Маҳаллаларнинг бу борада ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бекорга маҳаллага маънавият ўчоғи деб таъриф берилмайди. Юртимиз эртаси бўлган ёшлар учун маҳаллалар ҳақиқий маънавият ўчоғи бўлиши керак. Мамлакатимиз раҳбариятининг ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлари таҳсинга сазовор. Ҳарбий хизматнинг мазкур тури ҳам узоқни кўзлаб амалга оширилганини бугун даврнинг ўзи кўрсатиб турибди.

– Ҳа, бу каби сермаҳсул ҳамкорлик алоқалари армия ва халқ якдиллигининг ёрқин ифодасидир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Қуролли Кучларимизда олиб борилган изчил ислоҳотлар самараси бўлган, сафларида юзлаб йигитлар ўз бурчини ўтаган, ўтаётган сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ўзини оқламоқда.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

ОРЗУЛАРИ УНГА ЭШ

Болалик қизиқишларга, орзуларга тўла давр. Мурғак кўнгиллар дунёни англаб, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини кенгайтира борадилар. Айни шу даврда бирор бир касбга ҳавас уйғониши, келажакка замин ҳозирланиши ҳам бор гап.



Шуҳрат болалик даврини ширин бир энтикиш билан ёдга олади. Пойтахтнинг Сирғали даҳасида туғилиб, вояга етган ўғлоннинг орзулари жуда кўп бўлган. Кўнгли гоҳ учувчи, шифокор ёки ҳайдовчи бўлишни тусарди. Аммо эсини танибдики, «Катта бўлсанг ким бўлсан?», деган саволга бир хил жавоб бериб келади: «Мен, албатта, ҳарбий бўламан. Эгнимга ҳарбий либос кияман!»

Унинг бу қарорга келишида отаси Эшпўлат ва амакиси Рустам Бегматовларнинг хизматлари катта. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида фаолият юритувчи бу инсонлар Шуҳратнинг кўнглида болаликдан ҳавас уйғотишди. Айниқса, акаси Шавкат Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, ундан армиямизда посбонларга қаратилаётган юксак эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларнинг билим олиши, спорт билан шуғулланиши, ҳар томонлама етук инсон бўлиб шаклланиши мақсадида яратиб берилган шарт-шароитлар тўғрисида эшитиб, ҳарбийликка иштиёқи янада кучайди.

У мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, Сирғали молия ва иқтисодиёт коллежига ўқишга кирди. Таълим даргоҳида ўқиш билан бир қаторда чет тилларини ҳам пухта ўрганишга ҳаракат қилди. Инглиз ва рус тилларида бемалол сўзлаша оладиган қаҳрамонимизга ҳавас қилсангиз арзийди.

Касб-ҳунар коллежини тамомлаб, қўлига етуклик шаҳодатномасини олган ўғлон дарҳол туман мудофаа ишлари бўлимига мурожаат қилиб, армига бориш истаги борлигини билдирди. Масъул офицерлар Шуҳратга муддатли ҳарбий хизматга қабул қилишда чақирилувчиларга қўйиладиган талаблар, зарурий ҳужжатлар ва белгиланган синовлар тўғрисида батафсил маълумот беришди.

Йигит синовлардан муваффақиятли ўтди. 12 ёшидан бошлаб спортнинг самбо тури билан мунтазам шуғулланиб келаётган Шуҳрат, айниқса, жисмоний тайёргарлик бўйича ўтказилган синовларда юқори кўрсаткичларни қайд этишга эришди. Натижада, энг сара ўғлонлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташга йўл олди.

Армияда ўққи вазифасида хизмат қилган шунқор ҳарб илмининг сир-асрорларини пухта эгаллашга, жанговар, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарликлар бўйича илғор бўлишга интилди. Табиийки, унга бу борада малакали офицерлар, ўз касбининг билимдони бўлган сержантлар яқиндан ёрдам берди. Айниқса у офицерлар Наврўз Камолиддинов, Шавкат Мелиев, Сирожиддин Жалилов, кичик сержант Ҳабибулло Ҳусаиновларни ҳурмат билан тилга олади.

... Дала-ўқув машғулотлари ўтказиладиган майдон. Бу ерда посбонлар билимлари, кўникмаларини ҳақиқий синовдан ўтказадилар, маҳорат ва тажрибаларини оширадилар. Офицер Н. Камолиддинов етакчилигидаги гуруҳ машғулот ўтказмоқда. Ўқув режасига биноан гуруҳ шартли душманни қидириб топиши ва уни йўқ қилиши керак. Шартли душман жойлашган ҳудудни аниқлаш, у тўғрида керакли маълумотларни тўплаш оддий аскар Ш. Бегматов зиммасига юкланди. Посбон душман жойлашган ҳудудни аниқлаб, зарур маълумот тўплади. Маълумотлар асосида командир душман йўлига пистирма қўйди ва жанговар вазифа аъло даражада адо этилди. Гуруҳ муваффақиятига муносиб ҳисса қўшгани учун оддий аскар Бегматовга командир миннатдорчилик эълон қилди.

– Армияда ҳаётимнинг энг мазмунли йилларини ўтказдим, деб бемалол айта оламан, – дейди ўғлон биз билан суҳбатда. – Бежизга уни ҳаёт мактаби деб аташмас экан. Замон талаблари асосида жиҳозланган спорт залларида самбо билан шуғулланишни давом эттирдим. Армияда кўплаб дўстлар орттирдим. Хизматнинг илк кунларидан бирга бўлган сафдошларим Абдукарим Мирзаев, Шуҳрат Юсуповлар билан бугун ҳам аҳил-иноқ дўстмиз.

Ҳаёт мактаби сабоғини олган, муддатли ҳарбий хизмат давомида ҳар томонлама чиниққан, тобланган ўғлон айни пайтда «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компаниясининг туман бўлимида оператор сифатида фаолият юритаётир. Унинг ишга жойлашишида ҳам Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилгани муҳим аҳамият касб этди.

– Неварам билан фахрланаман, – дейди ўғлоннинг буви Ойсара Бегматова. – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганида ота-онаси номига ташаккурнома келганида барчамиз хурсанд бўлгандик. Армиядан қайтгач, мутахассислиги бўйича ишга жойлашишга ҳам муваффақ бўлди. Набирам мисолида давлатимизнинг ёшларга эътибор ва ғамхўрлиги нечоғли юксак эканига шоҳид бўлиб турибман.

Қаҳрамонимизнинг келгуси режалари бундан-да улкан. У танлаган соҳаси бўйича олий ўқув юртида таҳсил олиш, талаба-ёшлар сафидан жой олишни мақсад қилган. Табиийки, бу борада унга армияда қўлга киритган тавсиянома анча қўл келади. Билимли ва салоҳиятли ўғлоннинг орзусига етишига ишонамиз.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛСАМ ДЕЙМАН

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги Қарори асосида Ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этганлар бугун ўз қадрдонлари бағрига қайтмоқдалар.



Нукус темир йўл вокзалида аскарларни кутиб олишга чиққан ота-оналарнинг қувончи чексиз. Чунки миллий армиямиз сафларида хизмат қилиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан камолга етган, куч-қувватга тўлган жигарбандини кўрган ҳар қандай ота-онанинг бундай дамларда ўзини бахтиёр ҳис этиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, ихчам, тезкор, юксак тайёргарликка эга бўлган профессионал асосдаги армияни шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳарбий хизматчиларга яратиб берилаётган турли имтиёзлар, шарт-шароитлар, ҳарбий қисмлардаги юксак маънавий-ахлоқий муҳит туфайли аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида армияга муносабат тубдан ўзгарди. Муқаддас бурчни ўташ ниятида бўлганлар сафи кенгайди.

– Ўзимга билдирилган ишончни оқлаб, яқинларим, дўсту биродарларим олдига ёруғ юз билан қайтганимдан жуда хурсандман, – дейди муддатли ҳарбий хизматни ўтаган Икром Бўзлибоев. –Армияда билимларим мустаҳкамланди, дунёқарашим кенгайди. Муддатли ҳарбий хизматга кетаётганимда кузатиб қўйган тенгқурларим, шу ўтган вақт мобайнида мендаги ўзгаришларни кўриб, ҳавас билан қарашганини, тўғриси, ич-ичимдан ғурурланиб кетдим.

Армияга чақирилмасимдан олдин касб-ҳунар коллежида таҳсил олганман. Энди олий ўқув юртига кириб ўқимоқчиман. Келажакда юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган фарзанд бўлсам дейман.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларнинг ҳар бирида шундай соғлом фикр ва келажакка ишончнинг шаклланган қувонарли. Ана шундай мард ўғлонлардан бири Зинатдин Ережеповдир.

– Армияда хизмат қилиб, унинг чиндан-да ҳаёт мактаби эканига амин бўлдим, – дейди у. – Бизни катта ҳаётга тайёрлашда бу масканнинг ўрни беқиёс. Фикримча, келгусида ўқиб, ишга жойлашиб, эл-юрт равнақи йўлида фидойиларча хизмат қилсак, бу билан чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатган бўламиз.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни кутиб олиш тадбирига чиққан жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар, ота-оналар ёшларга эзгу тилаклар билдириб, уларнинг келгуси ишларига муваффақиятлар тилашди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ.

ЮРТ ҚЎРИЙДИ МАРДЛАРИНГ

Эр йигит улғайса, юрт қўрийди, деган гапни бот-бот эшитардим. Бунинг моҳиятини ўзим ота бўлгач, англаб етгандайман.

Фарзандларимга тарбия бериш асносида уларни аждодларимиз анъаналарига содиқлик, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга катта аҳамият қаратдим. Уларнинг ўқиб, бирор ҳунар эгаси бўлишлари, эл корига камарбаста инсонлар сифатида улғайишлари йўлида астойдил ҳаракат қилдим. Чунки илмли, ҳунарли киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Шукрки, бугун меҳнатимнинг мевасидан баҳра олиб ўтирибман.

Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида истиқомат қиламан. Фермерлик билан шуғулланаман. Каттагина ерим бор. Болаларим, набираларим биргаликда ана шу ерни обод қилиш, экинлардан мўл ҳосил олиш ниятида туну кун меҳнат қиламиз. Мустақиллик сабаб, мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Хусусий бизнесга, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Қувонарлиси, ички бозор арзон, сифатли, замон талаблари даражасидаги хилма-хил маҳсулотлар билан бойиди. Биз ҳам бир неча йиллардан буён ўз меҳнатимиз мевасидан баҳраманд бўлиб келмоқдамиз. Даромад ёмон эмас. Қўл остимиздагилар ҳам миннатдор. Буларнинг барчаси юртимизнинг тинчлиги, осойишталиги туфайлидир.

Сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртдошларимизнинг осойишталигини таъминлагувчилар орасида фарзандларимнинг ҳам борлигидан қувонаман.

Катта фарзандим Асқар Пармонов – шартнома асосидаги хизмат сержанти. У шарафли соҳани танлаганида онаси иккимиз жуда суюниб, ғурурланган эдик. Оилада тўнғич фарзандининг бошқаларига таъсири катта бўларкан.

Ўғлим Жўрабекнинг ҳам шарафли касбга меҳр қўйишида акасининг хизматлари бор. У ҳар гал таътилга келганида биз учун, айниқса, Жўрабек учун катта байрам бўларди. Акасининг армия хусусидаги ҳикоялари унда аскарликка ҳавас уйғотди. Шу боис Жўрабек мактабни тамомлаш арафасида муддатли ҳарбий хизматни ўташга аҳд қилганини айтганида ажабланмадим.

Англадимки, Жўрабек учун Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки улкан бир орзуга, ҳаёти мазмунига айланибди.

Ўғлимни армияга тантанали кузатиш маросимида иштирок этиб, юртимизнинг забардаст, мард ўғлонлари қаторида менинг ҳам фарзандим борлигидан, Ватанимиз тинчлиги, ҳаётимиз осойишталиги айнан уларнинг шарафли ва масъулиятли хизматлари орқали таъминланишидан бошим кўкка етди.

Яқинда Жўрабек муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб, уйга қайтди. Армия фарзандимнинг ҳаётида, дунёқарашида катта ўзгариш ясаганига гувоҳ бўлдим. Катталардек мулоҳаза юритишга ўрганибди, ўзига ишончи янада ортибди. Муддатли хизматни намунали ўтагани, ҳар жабҳада сафдошларига ўрнак бўлишга интилгани, шунингдек, спорт ишлари кўригида юқори натижаларни қайд этгани учун «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишони билан тақдирланибди.

Жўрабекнинг мақсадлари катта. У Навоий давлат педагогика институтига ўқишга кириш истагида. Фарзандимнинг бу мақсадига ҳам эришиб, юзимизни ёруғ қилишига ишонаман.

Нурали ПАРМОНОВ,
Навоий вилояти.

УСЛУБИЯТ

ЖАНГОВАР ЖИПСЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилишнинг ҳозирги, яъни профессионал армияни такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш даврида ҳарбий бўлинмалар жанговар шайлигини янада юксалтиришнинг самарали усулларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Бундай усуллардан бири ҳарбий жамоалар жипслигини таъминловчи психологик омил ҳисобланади. Ушбу масалани ҳал қилмасдан туриб ҳарбий техника ва қурол-аслаҳани пухта ўзлаштириш, юқори даражадаги жанговар шайликни сақлаб туриш ва замонавий жанг (жанговар ҳаракатлар)да ғалабага эришиш мушкулдир. Шунингдек, бўлинманинг жипслик даражасини ўрганиш, уни яхши билиш ва ҳисобга олиш командир ва бошлиқларга бўйсунувчиларни самарали бошқаришга ва жамоада юзага келиши мумкин бўлган турли хил ўзаро қарама-қаршиликларнинг олдини олишга имкон беради.

«Жипслик» сўзи ўзбек тилида «бирдамлик», «ҳамфикрлилик», «якдиллик», «ҳаракатлар бирлиги», «елкадошлик» маъноларида қўлланилади.

Унинг қадимий ҳарбий асоси мавжуд бўлиб, у душманга қарши якдиллик билан, бир тану бир жон бўлиб курашишни билдирган. Бундай ҳаракатлар асосида жанг олиб бораётган қўшинлар психикасининг алоҳида бир ҳолати – маънавий руҳи пайдо бўлган.

Том маънодаги жипслик, аслида ҳарбий хизматчилар ўртасидаги жамоавий деб аталувчи ўзаро муносабатларнинг ривожлантирилиши натижасида шаклланади. Бундай муносабатларни ривожлантириш ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган учта асосий: маънавий-сиёсий, ҳарбий-профессионал ва шахслараро-маиший соҳада, объектив ва субъектив даражада амалга оширилиши мумкин.

Жипсликни шакллантиришни бирламчи ҳарбий жамоалар саналган экипаж (расчёт) ва секция (гуруҳ)лар мисолида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, аҳамиятли томони шундаки, бугунги кунда ҳарбий амалиётда сон жиҳатдан унча катта бўлмаган, мобил ҳарбий бўлинмаларнинг роли ортиб бормоқда.

Биргаликда ҳарбий фаолият юритишнинг маънавий-сиёсий соҳаси ундовчи-йўналтирувчи мақсадга эга бўлиб, жипслашувнинг дастлабки босқичларида ҳарбий жамоа аъзоларининг маънавий-сиёсий бирлигини шакллантиришга хизмат қилади. Маънавий-сиёсий бирлик шахсий таркиб орасида Ватан ҳимояси, Қуролли Кучлар олдидаги долзарб вазифалар, жанговар техника ва қурол-аслаҳани сифатли ўзлаштириш, шунингдек касбий маҳоратни юксалтириш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш борасидаги қарашлар ва фикрлар якдиллигини назарда тутади.

Маънавий-сиёсий бирлик объектив равишда ҳарбий хизматчиларнинг дунёқарашлари умумийлиги, билимлари, эҳтиёжлари, биргаликда ҳарбий фаолият юритишнинг мақсад ва мотивларига нисбатан қарашларида намоён бўлади. Сиёсий ва ахлоқий қарашлардаги тафовут, умумий ва миллий қадриятлар, эзгулик, адолат тўғрисида фарқ қилувчи тушунчаларга эга бўлиш жамоанинг маънавий-сиёсий бирлиги йўлида жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Аксинча,ундовчи-йўналтирувчи умумийлик кўп жиҳатдан умумий фаолиятнинг барча соҳаларидаги ўзаро муносабатларда мавжуд бўлган айрим нуқсонларни бартараф қилишга ёрдам беради.

Субъектив равишда бундай бирлик ҳарбий жамоа аъзоларининг умумий мақсад йўлида ҳамфикр бўлиб ҳамкорлик қилишларида намоён бўлади.

Ҳарбий профессионал соҳада жипслик жанговар ҳамжиҳатлик, уйғунликда ҳаракат қилишда юзага чиқади.

Масалан, экипаж (расчёт) таркибида функционал мажбуриятларни бажариш ижтимоий-психологик фарқларни ўзига хос равишда мослаштириш, уларни ўзаро камайтиришга олиб келади. Натижада ҳарбий хизматчилар орасида бир-бирини тушуниш юзага келади, умумий фаолият жараёнида кутилмаган ҳаракатлар сони кескин камаяди, хизматдошига, унинг касбий маҳоратига нисбатан ишонч пайдо бўлади ва ўз навбатида, жанговар шайлик самарадорлиги янада юксалади.

Жанговар ҳамжиҳатлик объектив равишда жанговар фаолиятнинг умумий маҳсулдорлиги ва тежамлилиги каби кўрсаткичлари, шунингдек таъсирга жавоб бериш тезлиги ва шерикларнинг бехато ҳаракат қилишлари орқали амалга оширилади.

Субъектив равишда эса, юқори даражадаги жипслик жамоа аъзоларининг хизмат ва касбий масалалар борасида бир-бирини осон тушунишларида, жанговар ҳаракатлар давомида шерикларнинг навбатдаги ҳаракатини аниқ кўра олиш ва зарурат туғилганда, унинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришди намоён бўлади.

Шахслараро маиший соҳада жипслик психологик мосликда ўз аксини топиб, объектив равишда ҳарбий хизматчиларнинг маиший ва хизматдан ташқари муҳитда ўзаро қарама-қаршиликсиз мулоқотларида акс этади.

Субъектив жиҳатдан психологик мослик жамоа аъзоларининг ўзаро эмоционал кечинмаларини яхши тушунишларида акс этади. Психологик мосликнинг шаклланишига ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-сиёсий бирлиги ва жанговар жипслиги катта таъсир кўрсатади. Зеро фаолиятнинг маънавий-сиёсий салмоғи ва профессионаллик ҳарбий хизмат шахслараро муносабатда салмоқли ўринни эгаллайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жипсликни ижтимоий-психологик ҳодиса деб таърифлаш мумкин.

Жанговар жипсликни шакллантириш жанговар тайёргарлик машғулотлари жараёнида амалга оширилиб, унга индивидуал ва гуруҳ даражасида юксак ҳарбий маҳоратга етишиш орқали эришилади.

Бундан ташқари, жанговар жипсликни шакллантиришда жамоа аъзолари ўзаро бир-бирларининг муҳим профессионал сифатларидан бохабарлиги, уларни яхши билишлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу вазифани ҳал қилишда жанговар-ўқув жараёнида бутун диққат-эътиборни жалб қиладиган жиддий ва кескин ҳолатларни юзага келтириш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳолатлар ҳарбий хизматчи шахсининг асосий индивидуал-психологик сифатлари қисқа фурсатда намоён бўлишига олиб келади, шу-риб жанговар вазифаларни адо этиш қобилиятини аниқлаш, ишончли шерик сифатида яроқлилиги, мақбуллигини синаш имконини яратади. Шу сабабдан янгидан келиб қўшилган ҳарбий хизматчиларни жамоага тезроқ «киришиб» кетишлари учун юқорида таърифланган ҳолатларни мақсадли равишда моделлаштириш ўзини оқлайди, деган фикрдамиз.

Профессионал-жанговар жипсликни шакллантиришда гуруҳий назарий машғулотлар, қоровуллик ва ички хизматни олиб бориш, амалий, дала ўқув машғулотлар давомида, турли нормативларни бажариш жараёнида гуруҳ шахсий таркибининг кундалик умумий фаолият эпизодларидан унумли фойдаланиш зарур бўлади. Офицерлар, ўз навбатида, шахсий таркибга янгидан қўшилган ҳарбий хизматчини профессионал кўникмага, бой тажрибага эга ҳарбий хизматчига бириктирилишини йўлга қўйиши ва буни алоҳида назорат остига олишлари муҳимдир.

Ушбу жараённи оддий касбий маҳорат ва тажриба алмашиш билан чеклаб қўйиш ярамайди. Том маънодаги профессионал жангчини тайёрлашда ҳарбий хизматчини мавжуд ҳарбий анъаналар, жамоанинг ютуқлари, ўзаро ички муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам таништириш муҳимдир. Чунки тажрибали ҳарбий хизматчи ўз обрў-эътибори таъсири остида ёш ҳарбий хизматчига жамоага мослашув даврида юзага келиши мумкин бўлган айрим тушунмовчиликларни енгишда ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, профессионал ҳарбий хизматчи янги қўшилган жамоа аъзосига нафақат ўз мутахассислиги бўйича юқори касбий маҳоратни эгаллашда ёрдам беради, балки буни гуруҳ (экипаж, расчёт)нинг бошқа аъзолари томонидан ҳам тан олинишига, уларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишларига кўмаклашади. Чунки ҳамжиҳатлик ва ҳамфикрлик бўлган жойда жанговар вазифаларни самарали бажариш, ўқув-жанговар фаолиятида юксак натижаларга эришиш мумкин.

Қаҳрамон ЭРМАТОВ.

ҲАРБИЙ БОШҚАРУВДА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ



Жамият тараққиёти ва хавфсизлигини таъминлашда Қуролли Кучларнинг ўрни беқиёс бўлиб, унинг ўз вазифаларини самарали бажариши, яъни мудофаани таъминлашида ҳарбий бошқарув таркибининг маънавий салоҳияти алоҳида аҳамият касб этади.

Маънавий салоҳият деганда, ҳарбий фаолиятнинг турли бошқарув даражаларида фаолият юритиб келаётган ҳарбий хизматчилар шахсий, миллий, касбий хусусиятларнинг маданий жиҳатлари хизмат фаолиятида самарали қўлланилиши назарда тутилади. Инсон фаолиятида маънавият доимо устувор аҳамият касб этган.

Бу хусусда Президентимиз Ислом Каримов шундай дейди: «Маънавият ҳақида гапирганда, нафақат диний, балки инсонни руҳан покланиши, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонни уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашлар мезонини тушуниш керак бўлади».

Буларнинг барчасига маънавий тарбия орқали эришиш мумкин бўлиб, бу ўз навбатида оиладан бошланади. Бунда, оиланинг маънавияти, эр-хотиннинг маълумот даражаси, мулоқот маданияти, ўзаро муносабатларда самимиятнинг мавжудлиги, қадриятлар тизими кабилар муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таълим-тарбия муассасалари ва маҳалланинг институт сифатида тутган ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Чунки, шахс айнан мазкур институтлар орқали жамиятда мавжуд бўлган маънавий қадриятларни ўзлаштириб боради. Унинг етук Ватан ҳимоячиси бўлиб шаклланишида эса бу қадриятлар муҳим аҳамиятга эга.

Бу хусусда олим, фалсафа фанлари доктори Р. Самаров ҳар бир институтни тизим сифатида мудофаани таъминлаш нуқтаи назари асосида илмий таҳлил қилган. Бунда ҳамкорлик фаолиятини таъминлаш масаласи алоҳида ўрин тутиб, мудофаа фаолияти самарадорлигини таъминлашини таъкидлаб ўтади. Муаллиф «Ҳарбий хизматчи–ҳарбий жамоа», «Ҳарбий хизматчи–командир», «Ҳарбий хизматчи–ҳарбий техника» каби муносабатларни такомиллаштириш йўлларини кўрсатиб, муҳими ҳарбий жамоаларни мақсадли бошқариш учун тавсиянома ишлаб чиққан. Унда ҳарбий хизматчиларнинг барқарор руҳий ҳолатини сақлаш, муҳим ҳодисаларни кузатиб бориш, ўқув-жанговар вазифаларни бажаришда бўйсунувчилар қобилиятини инобатга олиш каби ҳарбий бошқарувнинг таркибий қисмлари илмий жиҳатдан кўрсатиб ўтилган. Шахсий таркиб билан ишлайдиган офицерлар учун «Ҳарбий хизматчилар оиласининг ижтимоий-психологик тавсифи», барқарор оила модели келтирилган бўлиб, уни ҳарбий амалиётда қўллаш учун қулайлигини таъкидлаш мумкин.

Айтиш лозимки, эзгу фазилат, мақсад сари интилишлар ва юксак маънавият халқимизнинг онгига чуқур сингиб кетган. Бу юксак маънавиятга эга бўлган Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Широқ, Спитамен, Тўмарис, Темур Малик ва улуғ аждодларимиз халқимизни бир неча маротаба турли бало-қазолардан асраб қолганлар. Бугунги кун ҳарбий амалиётида уларнинг кўрсатган жасоратлари ҳарбий хизматчиларга ибрат бўлиб, шахсий таркиб билан ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ва тарбиявий соатларни ўтказишда кенг фойдаланилмоқда. Фикримизча, уларнинг фаолияти ҳарбий таълим-тарбия нуқтаи назаридан ҳозирга қадар чуқур ўрганилмаганлиги ҳарбий тадқиқотчи ва амалиётчилар олдига бир қатор вазифаларни қўймоқда. Булар қаторида ҳарбий қурилиш, ҳарбий бошқарув ва ҳарбий назариялар билан боғлиқ жиҳатларни ўрганиш масалаларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Юксак маънавиятга эга бўлган турли даражадаги командир ва бошлиқларни тайёрлаш масаласи бугунги кунда армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Чунки улар ислоҳотлар йўлида давлат томонидан белгиланган дастурий тадбирларни жорий этиш ва такомиллаштириш вазифаларини бажарадилар.

Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимизда профессионаллашув жараёнининг навбатдаги босқичи амалга оширилмоқда. Булар қаторида ҳарбий кадрлар тайёрлаш ҳамда бошқарув тизимини такомиллаштириш, шахсий таркибни замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш, мобил бўлинмалар фаолиятини такомиллаштириш, ҳарбий хизматчилар оилаларини ижтимоий ҳимоялаш борасида тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шахсий таркибнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш борасида алоҳида тадбирлар кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугунги глобаллашув жараёнида турли хил ғоя ва мафкуралар кураши кескин тус олмоқда. Улар нафақат жамиятнинг сиёсий ҳаёти учун, балки инсоннинг маънавий ҳаёти, жамият фаровонлигини таъминлашга таҳдид солиб келмоқда. Президентимиз ўз асарларида «маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш мумкин», деб таъкидлаганлар.

Ҳарбий бошқарув жараёнида бундай таҳдидларнинг олдини олишда юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган ҳарбий бошқарувчиларнинг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳарбий бошқарувчиларнинг маънавий тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Мудофаани таъминлаш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, ҳарбий бошқарувчилар билан тарбиявий ишларни маънавий-ахлоқий тарбиянинг қуйидаги устувор тамойилларига асосланиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

- миллий, маънавий ва ахлоқий қадриятларга суяниш;
- умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт ютуқларига таяниш;
- тарихийлик;
- ворисийлик;
- қонунийлик.

Миллий армиямизнинг жанговар, ўқув-тарбиявий, бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида замонавий техника ва қурол-аслаҳаларни пухта ўзлаштириш учун юксак маънавиятга ва юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ватанпарвар, ўз касбининг етук мутахассиси бўлган жасур ҳарбий хизматчиларнинг ўрни муҳимдир. Шу ўринда ҳарбий бошқарувчилар ўз бўйсунувчилари қадрини билиб, миллий қадриятларимизни англаб, давлатимиз чегараларининг дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш учун фидойилик кўрсатиб, ҳарбий хизматни ўташлари лозим.

У. АҲМЕДОВ.

АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

(Тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Кунларнинг бирида Сангина дугоналари билан тоғ тепасига сайилга чиқади. Тоғ ёнбағрида қуюндай елиб бораётган суворийларга кўзи тушади. Суворийлардан йигирма қадамча олдинда бир хушсуврат баҳодир от суриб борардики, унинг камоли ва жамолидан адир ёришгандан-ёришар эди. Ўзини панага олиб турган қиз қалби дафъатан уйғонади, йигит йилдиримдай ўтиб кетган бўлса-да, кўнгил кўзи уни кўриб туради.

Сангина адирга одам юбориб ўшал баҳодирнинг султон Жалолиддин эканлигини билади ва кўнгли унга ғойибона талпинадиган бўлиб қолади.

Рой бу гаплардан бехабар, қизининг фикрига кўнглида бир қўшилиб, бир қўшилмай турганида ўғли киришга изн сўради. Маълум бўлдики, ўғлининг ташвиши қизи хавотиридан кам эмас, у ҳам султонни дўст тутмоқликка мойил.

Эртасигаёқ рой совға-салом ва қўшин ила ўғлини султон хизматига жўнатди.

Қиз кўнглида умид ғунчаси кўз очди. Орадан кўп ўтмай султон уни никоҳига олди.

12

Гул ҳидини туймоқликни унутаёзган экан Жалолиддин. Муаттар бўйлар ўрнини майдон ҳиди, ёнғин ҳиди эгаллаган экан.

Машшота ювинтириб-тарантирган Сангина хобхонага кириши ҳамоно султон ўзини айни баҳорда, турфа ранг гулзор ичида кўргандек бўлди. Сангинанинг юзи гуллардан афзо, унинг сочларидан таралаётган бўй мушки анбар ҳидларидан-да ёқимлироқ эдики, султоннинг қалбида оқ тўлқинлар уйғонди.

У барча гулларнинг ҳусни ва ҳидини ўзида жамлагандек эди. Султон уни энтикиб бағрига олди.

13

Қамбарнисо отни шу елдирганича акаси Тўғонбек томон ҳам қайрилмай тўғри султон қароргоҳига келиб тўхтади.

Султон Тўғонбекдан иниси йўқолиб қолганини эшитган, уни қидиртираётган эди, ўз оёғи билан кириб келганини билгач, ўша заҳоти қабул қилди.

Аскар ўз бошига тушган воқеаларни баён этгач, асосий гапга кўчиб, малика Гулбегим бону ва вазир Шамсулмулк дарагини берганида султон ундан кўзларини узолмай қолди. Қулоқларига бир ишонар, бир ишонмас эди. Сўзларингни қайтар, деб буюрди унга султон. «Тўғонбекнинг иниси» айтганларини бир-бир қайтарди ва раққоса Қорасоч ҳам Кубача саройида эканини, Ҳайдаршоҳ қулоғидаги дурнинг биттасини Абу Совуқ Кубачага тақдим этгани, иккинчиси эса ўша маразнинг уйида турганини битта қолдирмай гапириб берди.

– Дағи не эшитдинг, не кўрмишсен?

Султон ўз волидаи муҳтарамаси ва ўғли ҳақида сўраётганини Қамбарнисо билиб турарди. Эзилиб бош чайқади у.

Султоннинг аламлари кўксига сиғмаётгани кўриниб турарди.

Сукутни бузиб:

– Изн беринг, дағи бир гапни айтайин, – деди Қамбарнисо. Гапиришга ишора бўлгач, деди: – Эшитдимки, Ибн Ҳожиб дегани ҳам шу ўртада эмиш.

Демак, Маликшоҳнинг айтгани чин, ўйлади султон ва фавқулодда хабарларни олиб келган абжир ҳамда жасур «йигит»га рухсат бериб, мулозимга уни сийлашни топширди.

14

Ибн Ҳожиб Элтутмишни тағин ўз сўзига юритолмади.

– Йўқ, – деди Элтутмиш, – мен султон Жалолиддинга қарши юрмон. Ул бизга ёғий эрмас, билъакс, Чингиз босқин қилур эрса, султон Ҳиндустонга суянчиғ бўлғай.

Ҳожиб ичида кулди. Элтутмиш бул гапларни кимга айтиб ўлтирганин билмас. Билса, қаршисида ўлтирган одам буюк хоқон одами эканига фаҳми етса, бошқа кўйда сайрамоғи тайин...

Шундай ўйлаган Ҳожиб:

– Мени маъзур тутгайсиз, Чингизхон Ҳиндустонга ҳужум қилур деган фикрдан йироқмен, – деди қатъий тарзда. – Хоқон Ҳиндустонга юриш қилмоғига асос йўқтур. Магарким, қўшин тортиб келур эрса, нияти фақат Жалолиддинни тутмоқ ва они маҳв айламоқдин бошқа нимарса бўлмағай. Инчунун, Жалолиддиннинг бунда турмоғи Ҳинд учун хатарли эрур. Они ё шул ерда тутиб Чингизхонга совға этиб юбормоқлик, йўқ эрса, Ҳинд тупроғидин қувиб чиқармоқлик шарт, деб ўйлармен.

Элтутмишнинг юз-кўзида норозилик ифодаси акс этганини кўриб, Ҳожиб сўзини бас қилди. «Бунга сўз қотмоқнинг нафи бўлмагай, – деган фикрга борди. – Кубачанинг йўриғи бошқа, – деб ўйлади. – Ул лақмадур...»

Кўпдан бери унинг саройига ўтишни ўйлаб юрарди, энди қатъий қарорга келиб Элтутмишга мулойимлик билан деди:

– Бир ўтинчим бор эрди, они изҳор айламоққа изн бергайсиз.

– Айтунг, – энсаси қотди Элтутмишнинг.

– Фақир Деҳли гармселига дош беролмай кўпдин қийналурмен. Кундузи бўғилиб нафас олабилмасмен, оқшомлари иссиғдин тинкам қурийдур. Изн берсангиз, дарёга, сувга яқин манзилга кўчсам.

– Уччагами? – совуқ сўради Элтутмиш.

– Ҳа, гар сизга маъқул эрса, Уччага.



Элтутмиш бир оз ўйланиб тургач, истеҳзо аралаш деди:

– Кубача жаноблари саройининг об-ҳавоси сизнинг димоғингизга ўлтирса ажаб эрмас. Шошилинг, Ибн Ҳожиб, бул ерда бўғилиб яшамоқдин, Уччанинг сувларида яйрамоқликка шошилинг.

Масала бундай тез, бирданига ҳал бўлар-қолар деб ўйламаганди Ҳожиб. Мулозамат кутганди. Ҳали бул шошқалоқлигинг учун жавоб берурсен...

Чиқишда юзига ҳарчанд самимият расмин чизмоқ бўлди, аммо қўлидан келмади, чакка томирлари бўртиб турганини сезди.

Эрта тонгданоқ Кубача ҳузурига ўз чопарини жўнатди. Кўп ўтмай Уччадан илтифотли жавоб келди. Ҳожиб йўлга отланди.

(Давоми бор).

ФАОЛ ИЖОДКОР

Гулчеҳра Шаҳобиддин қизи қаламига мансуб китоблар билан танишганда, зиё нурларидан кўнглингиз нурафшон бўлади. Кичкинтойлар аниқроғи 4-синф ўқувчилари учун «Одобнома» дарслиги ҳам унинг қаламига мансуб. Мазкур дарсликда ҳам илк сўз Ватан аталмиш муқаддас калом ҳақида боради.

Ижодкор Жиззах шаҳрида туғилиб ўсган, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Ўтган йиллар давомида унинг она Ватан меҳри билан йўғрилган «Соғинч», «Янги ой чиққан кеча», «Жон ичра жондир Ватан», «Ўзбекистон Ватаним маним», каби китоблари чоп этилди. Таълим соҳасида эришган муваффақиятлари эътироф этилиб, Халқ таълими аълочиси деган юксак унвонга сазовор бўлган. Халқ таълими фидойиси Гулчеҳра Шаҳобиддин қизи кўплаб қўлланмалар ҳам муаллифидир.

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида ҳам қалам тебратаётган сермаҳсул ижодкорга янада улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Назокат НОДИРШОҲОВА.

Туҳфа

ЮРТИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Халқимиз тинчлиги мардлар қўлида,
Саломат бўлишсин юрган йўлида.
Элу юрт дуоси уларга йўлдош,
Шундай ҳур замонга асли улар бош.

Кеча-ю кундузни фарқ этмай улар,
Ватан тинчлигини ёниб қўриқлар,
Қасамёд – онтига доимо содиқ,
Шарафли хизмати таҳсинга лойиқ.

Шерюрак посбонлар сафларда ҳар он,
Юртим деб кўксини қилурлар қалқон.
Сиз борсиз мусаффо тинч осмонимиз,
Сиз ила нурафшон ҳар бир онимиз.

Мая АБДУЛЛАЕВА.

ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ

Навоийдек ўткир қалами,
Қалқони ор, диёнат унинг.
Сўзи кесгир, шахдам қадами,
Ўзбегим алп ўғлонларининг.

Юрагида аждодлар ёди,
Беҳад азиз она тупроғи.
Баланд тутар миллат байроғин,
Алар Кубро, Бобур авлоди.

Юрт корига керак бўлса бас,
Қамиш белбоғ тақар белига,
Метиндандир ғурури, синмас,
Фидо қилар жонин элига.

Шодия НЕЪМАТОВА,
Тошкент тумани, 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси.

ИЛМ-ФАН

ИНСОН, ОНГ, ҲАЁТ...

Эйнштейннинг «телба» назарияси

(ўн иккинчи мақола)


Замонавий тортишиш назариясининг яратилиши Эйнштейн эришган энг юксак марра бўлди. У тортишиш нима, деган саволга биринчи бўлиб жавоб берди. Унинг мазкур назарияси ижодий тафаккурнинг юксак намунаси эди. Олимнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Нима учун мени махсус нисбийлик назариясининг асосчиси сифатида улуғлашларига ҳечам тушуна олмайман. Менсиз ҳам уни бир йилдан кейин Пуанкаре, икки йилдан сўнг эса Минковский кашф этган бўларди ва охир-оқибат бу ишнинг ярми Лоренцга тегишли. Менинг хизматим эса бу ерда бўрттирилганлиги аниқ. Тортишиш назарияси, яъни умумий нисбийлик назариясига нисбатан эса шу нарсага ишонаманки, агар мен бўлмаганимда эди, уни ҳозиргача ҳам ҳеч ким кашф қилаолмас эди».

Эйнштейн бу билан қаноатланмайди, унда 1925 йили электромагнит ва тортишиш майдонларини ягона назарияга бирлаштириш ғояси пайдо бўлди. Унинг назарида бу назария шундай бўлиши керак эдики, токи у энергия тарқалиши билан боғлиқ бўлган электромагнит майдонларининг ҳамда массага боғлиқ равишда намоён бўладиган тортишиш майдонларининг ҳамма хусусиятларини изоҳлаб берсин. Бу назария умумий нисбийлик назариясига қараганда ҳам универсалроқ бўлиб, табиатдаги ҳамма ҳодисаларни изоҳлаб бериши зарур эди. Олим уни «Майдоннинг ягона назарияси» деб атайди. Эйнштейн бу муаммо устида умрининг охирги кунларигача ишлади. Бу даҳо ижодининг буюк фожеаси эди. У бир ишнинг кетидан бошқасини бажарар, лекин ҳеч қандай тайинли натижа чиқмас эди. Бу ишлар Эйнштейнга тегишли бўлганлиги учун ҳам уларни дастлабки беш йил давомида ҳамма ўқийди. Бироқ кейинчалик ўқимай қўйишади. Эйнштейн оғир руҳий тушкунликни бошидан кечирди.

Олимлар орасида «Натижанинг йўқлиги ҳам – натижадир!» деган гап юради. Шунинг учун ҳам бу изланишларни бесамар дейиш тўғри эмас, назаримда. Чунки у бутунлай янги ғоя эди. Қолаверса, шу йўлдаги изланишлар натижаси сифатида бошқа кўплаб илмий муаммоларга ечим топилди. Ҳозиргача ҳам майдоннинг ягона назариясини яратиш устидаги ишлар кутилган натижани бергани йўқ. Олимларда мутлақо янги ғояларсиз бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди, деган қарашлар мавжуд. Эйнштейн эса ҳеч қандай янги ғоянинг кераги йўқ, деб ҳисоблаган. Нима учун? Фанда улкан инқилобчи бўлган бу олим, маълум маънода кашфиётчи эмас, балки бутун бир даврни поёнига етказган аллома эди. У Ньютон томонидан бошланиб, Максвелл давом эттирган классик физикани охирига етказди.

Эйнштейннинг классик физикага муносабатини ифодалайдиган мулоҳазалардан бири қуйидагича бўлиб,у голландиялик назариётчи физик Паул Эренфестга тегишли. Эйнштейн ва Бор бошқа физиклардан нималари билан ажаралиб туришади, улардаги ақл ва феъл-атворнинг қайси жиҳатлари улар эришган илмий муваффақиятларни изоҳлаб бераолади, деган саволга Эренфест «Бу иккала аллома бир-бирларидан шахсий фазилатлари билан ажралиб туришса-да, лекин уларни «оддий» физиклардан ажратиб турувчи томонлар ҳам анчагина» деб жавоб беради. Масалан, «Эйнштейн ҳам, Бор ҳам классик физикани жуда яхши билишади. Улар янгиликни у янгилик бўлгани учунгина қабул қилишмайди. Шу маънода уларни консерваторлар деб аташ мумкин – улар классик физика биносининг ҳар бир ғиштига ўта эҳтиёткорона муносабатда бўладилар. Бироқ улар эски нарсаларни чуқур ўзлаштирганликлари туфайли классик изоҳларнинг етарли эмаслигини яхши биладилар ва шунинг учун ҳам янги ғояларнинг зарурлигини бошқалардан кўра кўпроқ тушунадилар»

Эренфестнинг мазкур сўзлари Эйнштейн илмий тафаккурига нисбатан қайсидир маънода калит вазифасини ўтайди. Оптикага квант тушунчасини айнан Эйнштейннинг ўзи олиб кирганлигига ва ёруғликнинг квант назариясини яратганлигига қарамасдан, у янги физика–квант механикасига ҳар доим ишончсизлик билан қараган. 1920-йиллар охирида майдоннинг ягона назариясини яратиш соҳасидаги дастлабки муваффақиятсизликлар муаллифга ҳам, бошқаларга ҳам фожиа бўлиб туюлмади. Бу муаммо устида Шрёдингер, Гейзенберг ва Дирак каби олимлар ҳам ишлашган. 1931 йили Эйнштейн ўзининг «Нисбийлик назариясининг ҳозирги аҳволи» номли маърузасини ўқийди. Мазкур қисқагина маърузани ўқиш асносида бу исёнкор ақл олиб борган мантиқсиз кураш ва у тортган мағлубият аламлари ўзининг зиддиятларга тўла бўй-басти билан намоён бўлади: «Материянинг ягона қонунини топиш, майдон ва квант назарияларини бирлаштириш йўлидаги интилишлар тўхтагани йўқ, – дейди Эйнштейн. – Бу ерда иккала назария илгари сурган шароитларни қондирадиган фазо таркибини аниқлаш ҳақида гап бораяпти. Натижада саробга айланган умидларгина қолди. Мен 1928 йилдан бери ечимни топишга уринаман, бироқ тағин бу йўлдан воз кечдим... Ўн йил аввал бир француз қизиқарли ғояни илгари сурди – у дунёни беш ўлчамли фазо сифатида қараб чиқишни таклиф қилди. Бунда электромагнит ҳодисаларни ҳам ўз ичига оладиган назария пайдо бўлади.



Бироқ мен ва ёрдамчим Майер бешинчи ўлчам бўлмаслиги зарур, деб тахмин қиламиз».

Кейин Эйнштейн ўзининг сўнги ғояси ҳақида тўхталиб, қуйидагича хулоса қилади: «Бироқ умидларим амалга ошмади. Мен, агар мазкур қонун топилса, квантларга ва материяга татбиқ қилса бўладиган назария яратилар эди, деб умид қилган эдим. У бундай бўлмади. Ҳозирча назария материя ва квантлар ҳақидаги муаммоларни бир-биридан ажратади. Иккала ғоя орасида ҳали ҳам жарлик мавжуд...».

Эйнштейннинг мазкур маърузаси муносабати билан шуни айтиш мумкинки, мавзу ўта қизиқарли бўлиб, чуқур ва ҳар томонлама мулоҳаза юритишни тақазо қилади. Гап Эйнштейн ижодининг охирги ўттиз йили, майдоннинг ягона назариясини яратиш соҳасидаги интилишлари, агар яна ҳам кенгроқ оладиган бўлсак, табиатнинг умумий ва дастлабки қонунларини излаш соҳасидаги ишлари ҳақида бормоқда. Таниқли физик А. Иоффенинг қуйидаги ҳикояси майдоннинг ягона назарияси Эйнштейнни қанчалик ўзига маҳлиё қилганлигидан далолат беради: «Эйнштейн билан мулоқотларимиз вақтида майдоннинг ягона назарияси ҳақидаги масала тез-тез суҳбат мавзусига айланар ва олим одатда ўз назарида уни муваффақиятга олиб келувчи сўнгги гипотезасини баён қилар эди. Гипотеза муваффақиятсизликка учрайди. Бир ёки икки йилдан кейин эса янгиси пайдо бўлади. Мен бундай ҳолнинг Эйнштейн учун ҳалокатли эканлигини кўриб турардим, бироқ унга қандайдир даражада ёрдам беришдан ҳам ожиз эдим. Уни 1926 йили иложи бўлмаган бу йўлдан қайтармоқчи бўлдим. Биз Брюсселда бўладиган Сольвей қўмитасининг(назариётчи физиклар) йиғилишига биргаликда жўнадик. Соат эрталабки 11 дан кечки 22 гача Берлиндан Амстердамга борадиган поезднинг купесида иккаламиз бирга бўлдик. У пайтда ҳали квант назарияси охиригача шаклланмаган эди. Мен ўз фикр-мулоҳазаларимни жамлаб, микродунёдаги квант ҳодисаларининг кашф этилиши билан боғлиқ равишда пайдо бўлган зиддиятларни тасвирлар эканман, фавқулодда физикавий интуицияга эга бўлган Эйнштейндан бошқа ҳеч ким бундан чиқиш йўлини топа олмаслигини таъкидладим. Унинг онг-шуурини ягона майдон муаммоси оҳанрабодек қанчалик ўзига жалб қилмасин, ўзидаги имкониятларни квант назарияси масалаларини ҳал этишга қаратиши зарур эканлигига ишонтиришга уриндим». Лекин Эйнштейн ўзининг ғояларига қарши қаратилган ҳеч бир нуқтаи назарни қабул қилмайди. Леопольд Инфельд Эйнштейннинг Принстонда айтган қуйидаги гапини эслайди: «Физиклар мени қари тентакка чиқариб қўйишди, лекин мен физиканинг кейинги ривожи бошқача йўлдан боришига ишонаман». Таниқли немис физиги Гейзенбергнинг фикрича эса, «Эйнштейн ўзининг универсал назарияси устида зўр бериб ишлаётган вақтида атом бағридаги янги элементар заррачалар бирин-кетин кашф этилаётган эди. Уларни мукаммал ўрганмай туриб эса, майдоннинг ягона назариясини яратиб бўлмас эди».

Олим 1916 йилдаёқ тортишиш фазонинг эгриланиши билан бир хил эканлигини кашф қилган бўлиб, у яратган тортишиш назариясининг асосий моҳияти шундан иборат. Бу ҳақда биз олдинги суҳбатларимизда ҳам тўхталган эдик. Шундан сўнг олим фазонинг бошқа геометрик хусусиятларини излашга киришади. Унинг мақсади майдонни тўла равишда тавсифлаб берувчи геометрик хусусиятлар ва улар орасидаги муносабатларни топишдан иборат эди. Аммо шу ўринда бир нарсани назарда тутиш керакки, нисбийлик назариясидаги «геометрия» тушунчаси биз мактаб геометрия дарсларида ўрганганимиздек соф фазовий хусусиятларни эмас, балки фазо-вақт муносабатларини ифодалайди. Яъни, у жараёнлар бир вақтнинг ўзида ҳам фазода, ҳам вақтда юз берадиган «тўрт ўлчамли дунё»нинг геометрияси ҳисобланади. Учта координата жисмнинг фазодаги ҳолатини, тўртинчиси эса вақтдаги ҳолатини тасвирлайди ва бу тўртала координата бир-бири билан узвий равишда боғланган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Эйнштейннинг ғоясига кўра ҳар бир майдон, ҳар бир физикавий ҳодиса хусусий ҳол сифатида мазкур ягона майдонда акс этиши зарур.

У даврда фақатгина икки турдаги – тортишиш ва электромагнит майдонлари маълум бўлиб, Эйнштейннинг вазифаси электромагнит майдонни геометриялаштиришдан иборат эди. Яъни, у фазо геометриясидаги шундай ўзгаришларни топиши керак эдики, токи улар электромагнит ҳодисалари кўринишида намоён бўлсин. Майдоннинг ягона назариясининг моҳияти шундан иборат. Ҳозир электромагнит ва гравитация майдонлари билан бир қаторда яна бошқа турдаги майдонлар ҳамда кучлар – ядро ичида содир бўладиган ўзаро таъсирлашувларнинг борлиги маълум бўлди. Лекин, майдоннинг ягона назарияси моҳият эътибори билан яна бошқа бир нарсани ҳам ўз ичига олади. Гап шундаки, Эйнштейн мазкур назарияни яратиш билан табиат қонунларидаги уйғунлик ҳамда ўзаро бирликни топишга интилган. Ҳозир жуда кўп назарияётчи физиклар шундай назарияни яратиш эҳтимолининг юқори эканлигига ишонишади.

У қандай бўлади? Табиатдаги қонуниятларни қанчалик даражада изоҳлаб бера олади? Бу саволлар ҳаммадан ҳам кўпроқ физикларни қизиқтиради. Яратилажак янги назарияда микродунё ҳодисаларига кўпроқ эътибор қаратилиши тахмин қилинаяпти. Бир нарса аниқ: водород спектрини изоҳлаб бериш билан квант назариясининг тўғрилиги исботланди. Квант механика асосида эса «Менделеев даврий жадвали»даги қонуниятлар тушунтириб берилди. Янги назария элементар зарралар «жадвали»ни, шунингдек, бизга маълум бўлган барча физикавий ҳодисаларни изоҳлаб бериши зарур. Нильс Боргнинг сўзлари билан айтганда «Янги назария «телба» нисбийлик назарияси ва квант механикага нисбатан ҳам «телбароқ» бўлади.

Ҳозир олимлар орасида нисбийлик назариясига нисбатан шубҳа пайдо бўлди. Гап шундаки, яқинда япониялик физиклар космик нурлар таркибида ёруғлик нуридан тез ҳаракатланувчи заррачалар борлигини аниқлашди. Бу нарса бошқа мамлакат олимлари томонидан аниқланиб, исботлансагина қонуният сифатида тан олиниши мумкин. Агар шундай бўлса, табиатшунослик фанларини қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Бироқ бундан фожиа ясаш ҳам керак эмас. Зеро шубҳа пайдо бўлган жойдагина ривожланиш бўлади. Бу нарса майдоннинг ягона назариясини яратиш йўлидаги дастлабки қадам бўлса, ажаб эмас. Эйнштейннинг ўзи ҳам Ньютон қонунларига шубҳа билан қараганлиги учун нисбийлик назариясини яратган эди.

Борлиқ ягона, шундай экан унда кечадиган ҳамма жараёнларни ўзида ифодалайдиган универсал қонун–майдоннинг ягона назариясининг мавжуд бўлиши муқаррар. Бу билан Эйнштейн аслида йўқ, хаёлий нарсани изламаганлигини таъкидламоқчимиз холос. Шу маънода Эйнштейн ҳақ! Ундаги интуиция – савқи табиийга қойил қолиш керак!

Подполковник Чори НАСРИДДИНОВ.

СПОРТ

Армейский спорт

ГОТОВИМСЯ К ЛЕТНЕЙ ОЛИМПИАДЕ

Казалось, совсем недавно прошла Зимняя олимпиада среди курсантов ВВОУ Министерства обороны. Однако она уже ушла в историю, а сейчас взят курс на подготовку к Летней олимпиаде.

В процессе участия в Зимней олимпиаде будущие офицеры прошли серьезную проверку не только в силе и ловкости, навыках меткого ведения огня из стрелкового оружия, но и показали смекалку, находчивость и остроумие. Вместе с тем они проявили свои личные качества в стрельбе, беге, умении работать с картой и компасом, ориентироваться на незнакомой местности и находить выход из любой нестандартной ситуации.

Соревнования прошли в духе настоящей бескомпромиссной борьбы, огромного стремления к победе, стали примером взаимной доброжелательности и уважения к соперникам. Каждый участник проявил мужество и высокую силу духа, волю к победе и смелость, твердость и честность.

По итогам Зимней олимпиады места распределились следующим образом: ЧВТКИУ, СВВАКИУ, ТВОКУ, ДВВАУ, СФ ТУИТ. Напомним, что команда ЧВТКИУ одержала победы в соревнованиях по биатлону, комбинированной эстафете, спортивному ориентированию и в конкурсе «Балли, йигитлар!» На счету команды СВВАКИУ победы в состязаниях по вождению автомобилей, выполнению упражнения АК-1 и волейболу. Команда ТВОКУ победила в конкурсе знатоков и соревновании по выживанию.

Приказом Министра обороны Республики Узбекистан принято решение о проведении в августе 2009 года Летней олимпиады среди курсантов ВВОУ и школ подготовки сержантов военных округов. Как видите, в Летней олимпиаде примут участие и курсанты школ подготовки сержантов.


Командующим войсками военных округов поручено один раз в год, с учетом опыта Зимней олимпиады, организовывать в воинских частях и учреждениях округа проведение соревнований среди военнослужащих подчиненных подразделений. В ходе них выявить физически здоровых, духовно богатых, гармонично развитых, профессионально подготовленных военнослужащих, отвечающих современным требованиям в целях создания резерва для выдвижения на вышестоящие должности.

Это означает, что сделан новый важный шаг в деле выполнения задач, определенных в Обращении Президента Республики Узбекистан, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил. Ведь в нем ставилась и задача по дальнейшему совершенствованию деятельности высших военно-образовательных учреждений Министерства обороны в плане подготовки интеллектуально развитых, широко эрудированных и стратегически мыслящих офицерских кадров. Проведенная с успехом Зимняя олимпиада и подготовка теперь уже к Летней олимпиаде служат делу выполнения данных задач.

В частности, в приказе Министра обороны поставлена задача представителям Центрального аппарата Министерства, командованию ВВОУ и ШПС военных округов: направить предложения по организации и проведению Летней олимпиады. Данные состязания станут важным стимулом профессионального роста для всех военнослужащих, которые примут в них участие. А значит, готовиться надо заблаговременно и очень тщательно.

Таким образом, в процессе подготовки к состязаниям и участия в них среди самых различных категорий военнослужащих поддерживается атмосфера стремления к повышению своего профессионального уровня, развиваются лидерские качества, укрепляется воля к победе. А конкурсы на смекалку и находчивость в дальнейшем помогут воинам находить нужные решения в самых нестандартных ситуациях боевой учебы. Ведь в современном бою интеллект и эрудиция воина важны не меньше силы и ловкости. А значит, надо всемерно развивать эти ценные качества.

Майор Анвар КАСЫМОВ.



БАЙРАМ МУСОБАҚАГА УЛАНДИ

Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедрасида Наврўз байрами кўтаринки руҳда ўтказилди.

Университет маънавият ва маърифат бўлими билан ҳамкорликда Наврўз байрамига бағишланган «Наврўз энг қадимий, асл миллий ва ғоят ардоқли байрам» мавзусида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирдан сўнг, ҳарбий кафедра талабалари ўртасида спортнинг тўрт тури – шахмат, турникда тортилиш, арқон тортиш ва тош кўтариш бўйича мусобақа ўтказилди. Беллашувлар қизғин ва муросасиз баҳслар остида кечди.

– Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳарбий кафедра талабаларини қадриятларимизга, анъана ва урф-одатларимизга муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар қалбида юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш, ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун маъсулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришдан иборатдир, – дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурод Чориев .

Танлов якунига кўра, турникда тортилиш бўйича 1 - ўринга А. Мамаражабов, 24кг ва 16кг оғирликдаги тошларни кўтариш бўйича 1 -ўринни Н. Умиров ва Б. Нишоновлар эгаллашди.

– Тош кўтариш сир-асрорларини акамдан ўрганганман, – дейди талаба Н.Умиров. – Ёшликдан машқ қилинса, қоидаларга амал қилинса, тош кўтариш оёқ ва қўл мушакларига ижобий таъсир кўрсатади. Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган мусобақада иштирок этиб, ғолиблар сафидан жой олганимдан мамнунман.

Шахмат бўйича 1-ўринни Р.Авезов забт этди. Арқон тортиш шартида Артиллерия цикли жамоасига тенг келадигани топилмади.

Шунингдек, тадбир давомида талабалар томонидан саҳна кўринишлари ва қўл жанги бўйича кўргазмали чиқиш намойиш қилинди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар ҳамда тадбирда фаол иштирок этган талабалар «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва жамоат ташкилотларининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Майор Қамбарали АЗИЗОВ,
ТДТУ ҳарбий кафедраси ўқитувчиси.



ПОСВЯЩАЕТСЯ НАВРУЗУ

В минувшие выходные дни во всех воинских гарнизонах Вооруженных Сил с большим успехом прошли состязания, посвященные всенародному празднику Навруз.

Так, в одном из подразделений Ташкентского военного округа состоялись соревнования по настольному теннису, волейболу, легкой атлетике.

– В состязаниях мастеров малой ракетки победу праздновал сержант Уткир Розыков, среди женщин лучше всех выступила супруга офицера Матлюба Ахмедова, а среди солдат срочной службы отличился рядовой Фарход Саидов, – сказал начальник физической подготовки и спорта войсковой части капитан Ахрор Мукимов.

В беге на 800 метров победил рядовой по контракту Анвар Зиядуллаев, на дистанции 1500 метров стал чемпионом части младший сержант Хасан Хикматов, на 3000 метров быстрее всех пробежал младший сержант Алишер Рустамов.

Увлекательно и напряженно прошли забеги в эстафетах 4х100 и 4х400 метров. В первой сильнейшей стала команда капитана Ахрора Мукимова, а в эстафете 4х400 метров победила команда капитана Шерзода Бабаханова.

Таким образом, празднование всенародного праздника весны и обновления Навруза подарило радостные эмоции победы, укрепило сплоченность и боевой дух данного подразделения, способствовало дальнейшему развитию здорового образа жизни.

Соб. инф.

СПОРТ

Велоспорт

ГОНКА НА ПРИЗЫ ХОКИМА

Успешно выступили армейские велогонщики на открытой международной велогонке на призы хокима Ташкентской области, проходившей по дорогам столичной области.

В состязаниях приняли участие около двухсот сильнейших гонщиков из нашей страны и соседнего Казахстана. Первый этап гонки на время на 25 км, прошедший на Янгибазарском шоссе, сложился не совсем удачно для лидера армейцев Эльдара Мукменова, уступившего всего 11 секунд бронзовому призеру.

Но уже на втором этапе, в групповой гонке на 124 км, Эльдар финишировал третьим, буквально на доли секунды обойдя Руслана Тлеубаева из Казахстана. А третий этап, групповую гонку на 131 км, Мукменов завершил уже на втором месте, показав одинаковое время с победителем, Мурадом Холмурадовым из столичного «Динамо».

Точно таким же выдался и четвертый этап гонки на 132 км по трассе Чирчик–Газалкент–Чарвак, где Холмурадов и Мукменов опять показали на финише одинаковое время – 3.26.31. Но лучшим признан Холмурадов.

В общем, в итоге Эльдар Мукменов сохранил за собой второе место, создав хороший задел на старте спортивного сезона.

Худжат ТУХВАТУЛИН,
старший тренер МХСК по велоспорту.



Легкая атлетика

НАШИ МЕТАТЕЛИ ВНОВЬ ЛУЧШИЕ

На прошедшем недавно турнире по легкоатлетическим метаниям памяти заслуженного тренера Узбекистана А. Зинка вновь с наилучшей стороны проявили себя армейские спортсмены.

В состязаниях среди мужчин по метанию копья победу праздновал рядовой Иван Зайцев из СВВАКИУ, отправив снаряд на 71,48 метра. Это почти норма мастера спорта международного класса. Второе место у его товарища по команде рядового Игоря Девятова, чье копье приземлилось на отметке 69,05 метра. Среди женщин победила Лилия Дусметова из МХСК с результатом 57,86 метра.

– Соперниками наших атлетов были участники Олимпиады в Пекине Бабур Шакирджанов и Анастасия Свешникова из ДФСО профсоюзов, – делится впечатлениями старший тренер МХСК по легкой атлетике сержант Анвар Кучмурадов. – Так вот, Бабур стал лишь третьим среди мужчин, а Настя заняла второе место.

Это говорит о серьезных шансах армейцев на лицензию для участия в Олимпиаде-2012 в Лондоне.

В метании молота победил наш Виктор Устинов (59,46 м), среди женщин этот снаряд лучше всех метнула представительница МХСК Татьяна Кузнецова (49,72 м), она же стала серебряным призером в метании диска (35,02 м). В споре дискоболов-мужчин у армейцев две награды: серебряная медаль у Алексея Щукина (45,32 м) и бронзовая – Александра Шевченко (33,78 м).

Не подвели и представители ближнего резерва МХСК. Так, в состязаниях старших юношей 1992 года рождения чемпионом в метании молота стал Жавлон Кадыров, а Виктория Зацепина заняла третье место в метании диска.

Таким образом, армейцы успешно завершили зимний сезон и уже готовы к выступлению на открытых спортивных аренах.

Наш корр.

Кураш

НАВБАТДАГИ МУСОБАҚАЛАР ОЛДИДАН

Тошкентда спортнинг республикамизда кенг ривожланган турларидан бири – юнон-рум кураши бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Ғолиблар жорий йилги халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган Ўзбекистон терма жамоаси сафидан жой олиши мазкур мусобақаларнинг қизиқарли ва кескин ўтишига сабаб бўлди.

Саккиз вазн тоифаси бўйича ўтказилган беллашувлар якунига кўра тошкентлик Александр Лохов, Шерзод Қурбонов, Азиз Муродов, Жаҳонгир Мўминов, Артур Бердимуродов, Башир Жўраев, самарқандлик Акбар Қўзиев ва Бухоро шаҳри вакили Фирдавс Ражабовлар шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

Ғолиблар 15 апрелда пойтахтимизда бошланадиган дастлабки халқаро мусобақа – «Мустақиллик кубоги» турнирида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги йирик мусобақалар ва Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш мақсадида Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрига жўнаб кетди. Бу ерда ҳамюртларимиз Грузия ва Озарбойжон терма жамоалари билан ўқув-йиғин машғулотлари ўтказишади.

С. ПЎЛАТОВ.

Футбол

МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР



Олий лига жамоалари Ўзбекистон миллий чемпионатининг учинчи тур баҳсларини ўтказишди. Мавсум аввалида таҳмин қилинганидек, кўплаб жамоалар яхши тайёргарлик кўриб, таркибларини анча кучайтириб олганликлари боис турдан-турга баҳслар кескин ва муросасиз тус олиб бормоқда. 8 учрашувдан тўрттасида дуранг натижа қайд этилган учинчи тур учрашувлари ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур турда «марказий» мақомини олган бир неча учрашувлар бўлиб ўтди. Дастлаб «пойтахт дербиси», деб ном олган дастлабки марказий учрашувда мавсумни муваффақиятли бошлаб, пешқадамлар сафида бораётган «Локомотив» аввалги турдаёқ муҳим очколардан айрилган мамлакат вице-чемпиони «Пахтакор» меҳмони бўлди. Учрашувда майдон эгалари устунликка эришиб, ғалабани бой бермасликлари кутилганди. Аммо «Локомотив» футболчилари бунга йўл қўйишмади. Умуман олганда, «Пахтакор» бутун ўйин мобайнида, айниқса 2-бўлимда, ташаббусни қўлдан бермади, аммо юзага келтирилган хавфли вазиятлардан мезбонлар унумли фойдалана олмадилар.

Ўйинга тўғри тактика танлай билган В. Абрамов шогирдлари эса асосан қарши ҳужумлардан фойдаланишди ва 2-бўлим бошида ана шундай ҳужумлардан бири ўз самарасини берди. М. Умрзоқов боши билан чиройли зарба йўллаб, И. Нестеровни доғда қолдирди – 1:0. Шундан сўнг майдон эгалари тўлиқ ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Кўплаб хавфли вазиятларнинг самарасиз якунланиши пахтакорчиларни анча асабийлаштириб қўйди. Яхшики, Д. Маркович майдон эгалари жонига оро кириб, учрашувдаги ҳисобни тенглаштиришга эришди, бўлмаса...

Ҳа, «Пахтакор» яна қимматли очколарни бой берди. Бундан эса унинг асосий рақиби – «Бунёдкор» самарали фойдаланди. Фарғонада «Нефтчи» жамоаси меҳмони бўлган тошкентликлар майдон эгаларига ҳеч қандай имконият қолдирмай, 3:0 ҳисобида йирик ғалабага эришдилар. Тўпларни Ривалдо, А. Гофуров ва В. Карпенколар киритишди.

Турнинг яна бир марказий учрашуви Қарши шаҳрида бўлиб ўтди. Кетма-кет ғалабаларни қўлга киритиб келаётган «Насаф» олдинги турда «Пахтакор»дан очко тортиб олган «Андижон»ни қабул қилди. Бу учрашув ҳам жуда қизиқарли ўтди ва ўйинда бироз устунликка эришган майдон эгаларининг 4:2 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» – «Хоразм» – 1:1, «Қизилқум» – «Машъал» – 1:1, «Навбаҳор» – «Бухоро» – 1:1, «Сўғдиёна» – «Олмалиқ» – 3:2, «Металлург» – «Шўртан» – 3:1.

Уч турдан сўнг юз фоизлик натижага эга бўлган «Бунёдкор» ва «Насаф» жамоалари турнир жадвалида пешқадамлик қилишмоқда. «Локомотив» ва «Сўғдиёна» клублари 7 очко билан учинчи–тўртинчи ўринларни эгаллаб турибди. Биронта ҳам очко ололмаган «Нефтчи» эса сўнгги ўриндан жой эгаллаган. Олий лига жамоаларининг навбатдаги 4-тур учрашувлари 2–4 апрель кунлари бўлиб ўтади.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

Атлетический клуб будущего воина

АТЛЕТИЧЕСКАЯ ГИМНАСТИКА – ЭТО СИЛА


Для мышц спины, мышц брюшного пресса и поясницы

Исходное положение: основная стойка, диск в согнутых руках за головой (1). Наклонить туловище вперед – выдох, в исходное положение – вдох.

Исходное положение: диск в согнутых руках на груди (2). Наклонить туловище вперед с одновременным опусканием диска вниз (3) – выдох, в исходное положение – вдох.

Исходное положение: основная стойка, диск в опущенных руках. Вращать туловище в обе стороны, поднимая прямые руки вверх (4). Дыхание произвольное.

Исходное положение: основная стойка, диск в согнутых руках за головой. Отклонить туловище назад с одновременным подниманием диска вверх – вдох, в исходное положение – выдох (5).



МАДАНИЯТ

ЭГИЗАК САНЪАТКОРЛАР ЮТУҒИ

Ҳар қандай инсон қўшиқ тинглаганда бу дунё ташвишларини бир дам унутиб, унинг сеҳрига мафтун бўлади, қалби ором олиб, ҳузурланади. Зеро, ҳофиз айттанидек куйда сеҳр, қўшиқда эса жозиба бор. Айниқса, севимли хонанда томонидан ижро этилган қўшиқ кўнгил мулкига айланади. Бу қўшиқларда муҳаббат ва вафо нидоси ҳукмрон. Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбли аъзолари Ҳасан ва Ҳусан Жўраевлар яратган қўшиқлари посбонлар кўнгил мулкига айланиб, олам-олам завқ улашиб келмоқда.



Ҳасан ва Ҳусан Жўраевлар Андижон вилоятининг Баликчи туманида зиёли оилада туғилганлар. Отаси Абдуманнон ака тиш доктори, онаси Омина опа ўқитувчи. Оилада санъаткорлар бўлмаса-да бу икки ака-ука болалигидан санъатга меҳр қўйди. Шу боисдан телевизорда бирор қўшиқ ижро этилса, берилиб тинглар, айни чоғда хонандаларнинг хатти-ҳаракатларини такрорлар, кейин эса уларга тақлид қилиб, қўшиқ айтишга интилишарди. Абдуманнон ака ва Омина опа санъатни қадрлайдиган инсонлардан. Шунинг учун ҳам улар фарзандларидаги истеъдодни болалигидаёқ илғаб, Тошкентдаги Глиэр номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатига олиб келишди. Ўшанда Ҳасан ва Ҳусан ўн бир ёшда эдилар. Шундай қилиб Ҳасан ғижжак – бас, Ҳусан қашқар рубоби синфида таҳсил ола бошлади.

1982 йили мусиқа мактабини тамомлаб, Тошкент театр ва рассомлик институтининг мусиқали драма факультетига ўқишга киришди. Институтда бир йил ўқигач, ҳарбий хизматга чақирилдилар ва ҳарбий қисм оркестрида хизмат қилдилар.

Ҳарбий хизматдан сўнг улар яна институтдаги ўқишларини давом эттириб, ўша пайтларда машҳур бўлган «Наво» гуруҳига қабул қилиндилар. Бу гуруҳдаги фаолият давомида улар бир-биридан ажойиб қўшиқлар яратишади. Айниқса, «Қайси қизни севасан?» «Ҳасан, Ҳусан», «Қошинг қаро, қаро кўз», «Қошингни қаро дейдилар», «Сой бўйида» каби қўшиқлари барчага манзур бўлиб, бу эгизак санъаткорларни элга танитди.

2000 йилда Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбли тузилиб, улар ансамблнинг биринчи хонандалари сифатида ижодларини давом эттирдилар. Уларнинг «Чегарачи», «Чегара», «Аскарман», «Қалқон» қўшиқлари чегарачиларнинг севимли қўшиғига айланган.

Капитанлар Ҳасан ва Ҳусан Жўраевларнинг хизматлари муносиб баҳоланиб, 2001 йилда уларга «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди.

2007 йилнинг кузида Москва шаҳрида МДҲ давлатлари Чегара қўшинларининг халқаро «Чегарачи қўшиғи» фестивали бўлиб ўтди. Турли давлатлардан келган 126 нафар хонанда иштирок этган ушбу фестивалда ака-укалар фахрли биринчи ўринни қўлга киритишди.

Айни пайтда капитанлар Ҳасан ва Ҳусан Жўраевлар янги ижодий изланишларини давом эттирмоқда. Биз улардан янги-янги ватанпарварлик руҳидаги қўшиқларини кутиб қоламиз.

Подполковник М. МАТАЕВ.

РАНГЛАРДА НАФОСАТ ЖИЛОСИ

Табиатнинг мўъжизалари кўп. Кимдир бу сир-синоатли воқеа-ҳодисаларни оддий ҳолдек қабул қилса, яна кимлардир ундан илҳом олиб, гўзаллик ва нафосатни тараннум этувчи асарлар яратади. Бундай истеъдод соҳиблари халқона тилда ижодкорлар деб аталади. Ижодкорлар орасида рангтасвир усталари алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки улар рўй бераётган ҳар қандай воқеликни қандай бўлса, шундайлигича қоғозда маҳорат билан акс эттирадики, уларни томоша қилиб юрак орзиқади, қалб ором олади, кўнгилда ширин ҳислар жўш уради. Ахир яхши асар юракка яқин бўлади, дейишади. Аслида ички ҳис-туйғуни матода ифодалаб бериш учун ҳам қанча меҳнат, куч-ғайрат ва энг аввало истеъдод керак. Биз Куролли Кучлар Марказий музейида намойиш этилган истеъдодли рассом Анвар Шодиевнинг тасвирий санъат асарлари кўргазмасини томоша қилар эканмиз, хаёлимиздан ана шундай фикрлар ўтди.



Анвар Шодиев Навоий вилояти, Қизилтепа тумани Рўзибиён қишлоғида таваллуд топган. Одатда фарзаднинг бирон касб ёки ҳунарга қизиқишига ота-онанинг таъсири кучли бўлади. Анварнинг расм чизишга қизиқишида отаси – Султон аканинг ҳиссаси катта. Чунки Султон Шодиев ҳам ёшлигидан ҳаваскор рассом сифатида расм чизиш билан шуғулланган. От изини той босар деганларидек, Анвар ҳам 6 ёшидан рассомчиликка меҳр қўйди. Отасининг иш жараёнини кузатиб, аста-секин табиат манзараларини, турли жониворларнинг расмини қоғозга тушира бошлади.

– Биринчи чизган расмимда кишнаб турган отнинг тасвири акс эттирилган эди, – дейди қаҳрамонимиз. – Кейинчалик мактабда ўқиб юрган вақтимда ушбу расмни ва яна бир қанча расмларни «Гулхан» журналига юбордим. Расмлар журналда чоп этилди ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан журнал муҳаррири Ойдин Ҳожиева мени Тошкентга таклиф қилди. Жуда ҳам хурсанд бўлдим. Тўғриси, бундай эътиборни кутмаган эдим. Ойдин опа билан кўришганимда у киши менинг ижодимга оқ йўл тилади ва «албатта рассомлик билим юртида ўқишни давом эттиргин», деб маслаҳат бердилар. Уларнинг ва ота-онамнинг маслаҳати билан мактабни битириб, Беньков номидаги рассомлик билим юртига ўқишга кирдим. У ерни тамомлаб Камолиддин Беҳзод номидаги театр ва рассомлик институтида таҳсилни давом эттирдим. Кейин эса Санкт-Петербургдаги Репин номидаги рассомлик ва архитектура институтида малака оширдим...

Институтдаги сабоқлар ёш рассом учун ҳақиқий маҳорат ва тажриба мактаби бўлди. Энди у ранг ва тасвир уйғунлаштирилиб бойитилган бир-биридан ажойиб образли асарлар ярата бошлади. Маълумки, рассом ижодида образли ҳолатларни акс эттириш етакчи ўрин тутади. Чунки образ орқали ифодаланган асарлар томошабин қалбига тез кириб боради, уларни чуқур мушоҳадага чорлайди. Шунинг учун ҳам бундай асарлар тирикликнинг жонли сурати деб эътироф этилади. Ёш рассом Анвар Шодиевнинг асарлари ана шу жиҳати билан аҳамиятга моликдир. У асарларида урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизни бўй-басти билан тасвирлашга интилади.

Анвар Шодиев бир неча бор Америка, Россия каби хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро тасвирий санъат кўргазмаларида ўз асарлари билан иштирок этган. 2002 йилда ўтказилган «Миср ёшлар нигоҳида» халқаро танловида эса «Сфинкс», «Клеопатра» асарлари билан қатнашиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Албатта, кўзлаган манзилга етиш учун инсондан маҳорат билан бирга кучли иштиёқ ҳам талаб қилинади. Ана шундагина у машаққатли довонларни енгиб ўтиб, келажак сари дадил қадам ташлайди. Анвар ҳам ёш бўлишига қарамай, ижодкор сифатида катта ютуқларга эришди. Талабалик даврида бир неча бор кичик-кичик кўргазмалар ташкил қилди. Куролли Кучлар Марказий музейида ташкил қилинган мазкур кўргазма эса рассомнинг энг катта шахсий кўргазмасидир. Унда мўйқалам соҳибининг ўттиздан ортиқ тасвирий санъат асарлари ва йигирмага яқин бадиий фото суратлари жой олган.

Кўргазмага қўйилган асарларни томоша қилар экансиз, ўзингизни худди ўзга дунёга тушиб қолгандек ҳис қиласиз, ҳеч қачон илғамаган гўзалликни уларда пайқайсиз. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, рассом ижодида миллийлик етакчи ўрин тутади. Мазкур асарларда ҳам ана шу жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Айниқса, «Чор Минор», «Учрашув», «Кун ботиши», «Самарқанд. Бозор», «Менинг севимли Бухорам», «Бухоро баҳори», «Бухоро кўчалари», «Мўъжизанинг туғилиши», «Илҳом», «Тошкентда баҳор», «Туялар», «Варрак учириш» каби асарлари фикримиз далилидир. Шу билан бирга табиат фасллари акс эттирилган асарлари ҳам томошабинга кўтаринкилик бахш этади. Чунки асарлардаги йўналиш ҳар хил бўлса-да, уларнинг замиридаги мақсад бир хил. Яъни барча асарларда юрт гўзаллиги ва бу юртга бўлган чексиз муҳаббат тараннум этилган. Уларни томоша қилиб туриб, мозийга сайр қилиб тарих билан танишгандек бўласиз. Чунки тасвирланган воқеа-ҳодисалар сизни ўз домига тортади. Қисқа қилиб айтганда, кўргазманинг умумий руҳи ўзида борлиқни қувончларга тўла беғубор дамлар каби тўла акс эттирган бўлиб, ҳар бир асар ўзининг бетакрор чизгилари, ёркин ранглардан фойдаланганлиги ва ўзига хос композицияси билан томошабинда катта таассурот қолдиради.

– Истеъдод ҳар бир инсонда бўлади, – дейди Ўзбекистон халқ рассоми Марат Содиқов. – Фақатгина уни юзага чиқара билиш керак. Анвар Шодиевни ўзидаги ана шу қобилиятни кашф қилган келажаги порлоқ рассомлардан, деб биламан. Унинг ижодини узоқ йиллардан бери кузатиб келаман. У жой колоритини яхши ҳис қилади. Кўпроқ миллий мавзуларда асар яратишга интилади, ҳар бир асарида ана шу руҳ сезилади. Бу унинг йўналиши. Биласизми, ҳар қандай ҳолатни бадиий жиҳатдан талқин қилиш жуда мураккаб жараён. Бунинг учун рассомда бадиий фикрлаш устун бўлиши керак. Чунки бадиият асарга жон бағишлайди, унга ўзгача гўзаллик олиб киради. Анварнинг ижодида бундай устунликни сезиш мушкул эмас. Шу боисдан ҳам намойишга қўйилган тасвирий санъат асарлари томошабинларга манзур бўлади деб ўйлайман.

– Мен ҳам расм чизишга қизиқаман, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Алишер Турсунов. – Кўргазмани томоша қилиб туриб, қалбимдаги ана шу қизиқиш яна жонлангандек бўлди. Ҳар бир асарни мароқ билан томоша қилдим. Айниқса, рассомнинг кўҳна Бухоро шаҳри тасвирланган туркум асарлари катта таассурот қолдирди. Ҳар бир асарнинг яратилиш тарихини рассомнинг ўзи сўзлаб берди. Ўйлайманки, гўзаллик уфуриб турган бу асарлар йиллар ўтса-да ўз қадр-қимматини йўқотмайди.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор А. КАМОЛОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Ислакаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 27200.
Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № 1-7126.